

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

Қонунчиликдаги янгиликлар



ОТБ ВА ЎЗБЕКИСТОН ҲАМКОРЛИГИ ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНМОҚДА

Пойтахтимизда 2012 йил 16 февраль кун **Осиё тараққиёт банки (ОТБ)** президенти **Харухико Курода** билан **Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, молия вазири Р.Азимов** умумий қиймати **508 миллион АҚШ доллари**га тенг **тўртта заём битимини имзолади**. Хусусан, **2011-2015 йилларда** **инфратузилма, транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантиришни жадаллаштириш дастури доирасида Мароқанд-Қарши участкасида темир йўлларни электрлаштириш учун 100 миллион долларлик заём битими имзоланди**.

Қишлоқ жойларда тасдиқланган намунавий лойиҳалар асосида уй-жой, муҳандислик коммуникация ва ижтимоий инфратузилма объектларини қуриш дастури доирасида қишлоқ жойларда уй-жой қурилишини ривожлантириш бўйича қиймати **200 миллион долларлик заём битимига ҳам имзо чекилди**.

Андижон шаҳрида сув таъминоти ва санитария хизматларини яхшилаш, жумладан, канализация тармоқларини реконструкция қилиш, Жиззах вилоятининг Зафаробод ва Арнасой туманларида, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Хоразм вилоятининг қишлоқ аҳоли пунктларида сув таъминотини яхшилаш учун **58 миллион долларлик заём битимлари имзоланди**.

Электр энергиясидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, жумладан электр энергиясини назорат қилиш ва ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш учун **150 миллион долларлик заём битими имзоланди**.

Ўзбекистонда айни пайтда халқаро молия институтлари билан яқин ҳамкорликда электр энергетика соҳаси босқичма-босқич модернизация қилинмоқда, муқобил энергия манбаларидан кенг фойдаланишга қаратилган ҳуқуқий ва ишлаб чиқариш базаси яратилмоқда.

16 февраль кун **Осиё тараққиёт банки** президенти **Харухико Курода** иштирокида куёш энергияси бўйича қўшма халқаро илмий тадқиқот институтини ташкил этиш лойиҳасининг тақдими ўтказилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси президенти **Ш.Солиҳов** муқобил энергия манбаларини ривожлантиришга доир қатор лойиҳаларни, шунингдек, куёш энергияси бўйича халқаро илмий тадқиқот институтини ташкил қилиш концепциясини тақдим этди.

Учрашув якунида ОТБ ва Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ўртасида Куёш энергияси бўйича қўшма халқаро илмий тадқиқот институтини ташкил этиш тўғрисида меморандум имзоланди. Ушбу ҳужжатда ОТБ томонидан куёш энергетикасини ривожлантириш лойиҳаларини амалга ошириш учун **200 миллион АҚШ доллари ажратилиши кўзда тутилган**.

ЎЗА.

ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

Тақдим этилаётган ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан www.norma.uz сайтида танишиб чиқишингиз мумкин.

ЛИЦЕНЗИЯ ЙИГИМИ... КАМАЙМОҚДА

Вазирлар Маҳкамасининг **1.02.2012 йилдаги 26-сон қарори** билан лицензияланадиган айрим фаолият турларини тартибга солувчи низомлар **7.09.2011 йилдаги «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» ЎРҚ-292-сон Қонунига мувофиқлаштирилди**. Хусусан, таъсис ҳужжатларини нотариал тасдиқлаш мажбурияти бекор қилинган. Лицензия беришни рад этиш ҳақидаги ҳабарномада кўрсатилган муддат камчиликларни бартараф этиш учун за-

рур бўлган вақтга мутаносиб бўлиши кераклиги ҳақидаги талаб киритилди. Лицензияларнинг реестрларида мавжуд бўлган маълумотларни ҳақ эвазига бериш ҳақидаги меъёр ўзгартирилди. Энди маълумотларни лицензияловчи органнинг веб-сайти ёрдамида бепул олиш мумкин. Ташкилот қайта ташкил қилинган, унинг номи ёки жойлашган жойи (почта манзили) ўзгарган тақдирда лицензияни қайта расмийлаштириш муддати ўзгартирилиб, энди у 1 ойдан иборат бўлди (олдин мазкур таомил учун бир ҳафта берилар эди).

Лицензияни олишга даъвогарнинг аризасини кўриб чиққанлик учун йиғим миқдорининг камайтирилганлиги муҳим ўзгариш бўлди:

Фаолият соҳаси	Йиғим миқдори	
	1 февралга қадар	1 февралдан бошлаб
Телекоммуникациялар	5 ЭКИХ	2 ЭКИХ
Сугурталаш	5 ЭКИХ	4 ЭКИХ
Маҳаллий ва халқаро йўналишлар бўйича темир йўл транспортида йўловчиларни ҳамда юкларни ташиш	5 ЭКИХ	3 ЭКИХ
Маҳаллий ва халқаро ҳаво йўналишлари бўйича йўловчиларни ҳамда юкларни ташиш	5 ЭКИХ	3 ЭКИХ
Авиация ишларини бажариш	5 ЭКИХ	3 ЭКИХ
Йўловчилар ва юкларни дарё транспортида ташиш: 10 тагача сузиш воситасидан фойдаланганда; 10 та ва ундан ортиқ сузиш воситаларидан фойдаланганда	4 ЭКИХ 5 ЭКИХ	3 ЭКИХ 4 ЭКИХ
Ветеринария	4 ЭКИХ	3 ЭКИХ
Божхона омбори	5 ЭКИХ	4 ЭКИХ
Эркин омбор	5 ЭКИХ	4 ЭКИХ
Бож олинмайдиган савдо дўкони	5 ЭКИХ	4 ЭКИХ
Ўлчаш воситаларини тайёрлаш, реализация қилиш ва прокатга бериш	5 ЭКИХ	4 ЭКИХ
Диний таълим муассасалари	5 ЭКИХ	3 ЭКИХ
Нодавлат таълим муассасалари	5 ЭКИХ	4 ЭКИХ
Портловчи ва заҳарли моддаларни, уларни қўллаган ҳолда материаллар ва маҳсулотларни, шунингдек портлатиш воситаларини яратиш, ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш ва реализация қилиш	5 ЭКИХ	4 ЭКИХ
Ионлаштирувчи нурланиш манбалари муомаласи	5 ЭКИХ	4 ЭКИХ
Қимматбаҳо ва нодир металллар, қимматбаҳо тошлар қазиб олиш	5 ЭКИХ	3 ЭКИХ
Киновидеомаҳсулотларни ишлаб чиқариш, кўпайтириш, дубляж қилиш, сотиш ва уларнинг прокати	5 ЭКИХ	4 ЭКИХ
Ноширлик	5 ЭКИХ	4 ЭКИХ
Этил спирти ва алкоғолли маҳсулотлар ишлаб чиқариш	5 ЭКИХ	3 ЭКИХ
Тамаки хом ашёсини ферментлаш ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш	5 ЭКИХ	4 ЭКИХ
Пиротехника буюмларини яратиш, ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш, реализация қилиш, улардан фойдаланиш, уларни йўқ қилиш	5 ЭКИХ	4 ЭКИХ

ТЕРМИТЛАРГА ҚАРШИ ЧОРАЛАР

Вазирлар Маҳкамасининг **2.02.2012 йилдаги «Республикада термитларга қарши курашиш ишларини жадаллаштириш ва уларнинг зарарини бартараф қилиш тўғрисида» 27-сон қарори билан Фанлар академияси Зоология институти ҳузурида «Республика термитларга қарши курашиш маркази» давлат унитар корхонасини (бундан кейин – Марказ) ташкил этиш кўзда тутилган**.

Белгиланишича, дезинфекция станциялари ва республика минтақаларидаги ўсимликларни ҳимоя қилиш марказлари термитларга қарши курашиш ва профилактика ишларини Марказ билан тузилган шартнома асосида олиб борадилар. Марказ термитларга қарши курашишда интеллектуал мулк ҳисобланган воситалардан фойдаланганда ҳуқуқ эгаси билан шартнома тузади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тош-

кент шаҳар ҳокимликларига Марказ томонидан термитларнинг табиий ўчоқлари бўлган ва қурилиш учун хавфли деб белгиланган ҳудудларда термитлар бартараф этилмагунга қадар қурилиш учун ер майдонларини ажратиш тақиқланган. Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасига дунё амалиётида тан олинган термитларга қарши чидамли бино ва иншоотлар қуриш тажрибасини ўрганиб, қурилишга жорий қилинишини таъминлаш топширилди.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига олий таълим муассасаларида биология, табиатшунослик ва ўсимликларни ҳимоя қилиш ихтисосликлари бўйича тайёрланаётган бакалавр ва магистрлар ўқув дастурларига «Биозарарланиш асослари», «Ҳашаротлар экологияси» махсус курсларини киритиш ва тегишли дарсликлар билан таъминлаш вазифаси юкланди.

МАНЗИЛЛИ РЎЙХАТГА КИРИШ УЧУН 37 КУН

Вазирлар Маҳкамасининг **7.02.2012 йилдаги 31-сон қарори билан Қурилиш ва реконструкция қилиниши Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати даражасида тасдиқланиши лозим бўлган объектларнинг манзилли рўйхатларини тасдиқлаш бўйича Ҳукумат комиссияси тўғрисидаги низом тасдиқланди**. Низомга мувофиқ Комиссиянинг вазифаларига:

молиялаштириш манбаларидан қатъи назар, ҳисоб-китоб (смета) қиймати **2,0 млрд сўм** ва ундан ортиқ бўлган объектлар бўйича қуриш ва реконструкция қилишнинг манзилли рўйхатларини тасдиқлаш;

қуриш (реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш)нинг ҳисоб-китоб (смета) қиймати ошишига йўл қўйилган объектларни ҳар чораклик асосида кўриб чиқиш, кейинчалик улар бўйича тегишли чора-тадбирлар кўриш;

республика аҳамиятига молик бўлган ижтимоий, ишлаб чиқариш, транспорт ва муҳандислик инфратузилмасини ривожлантириш схемалари ва лойиҳаларини келишиш;

олдин ишлаб чиқилган ва тасдиқланган лойиҳалар бўйича шаҳарлар ва қўрғонларда (туман марказларида)ги қурилиш тугалланган маъмурий марказлар, турар жой кичик даҳалари ҳудудида

ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

1-бетда

қуриш учун объектларни жойлаштиришни келишиш қиради.

Комиссия ўзига юкланган вазибаларни бажариш мақсадида:

давлат ва хўжалик бошқаруви органларидан, хўжалик юритувчи субъектлар ва манфаатдор шахслардан зарур ахборотни белгиланган тартибда сўраш;

мажлисларда ўз ваколатига тегишли бўлган масалалар бўйича давлат ва хўжалик бошқаруви органлари вакилларининг, лойиҳа пудрат ташкилотлари, эксперт органлари раҳбарларининг, буюртмачининг вакилларининг, шунингдек Комиссия аъзоларининг ҳисоботларини эшитиш;

қуриш (реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш)нинг олдин тасдиқланган қиймати ўзгарган тақдирда тегишли хулосалар мавжуд бўлган тақдирда объектларнинг лойиҳа ва қиймат параметрларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

Комиссия томонидан қабул қилинган қарорлар изчил амалга оширилиши устидан назорат қилиш ҳуқуқига эга.

Ҳисоб-китоб (смета) қиймати 2 млрд сўм ва ундан ортиқ бўлган объектларни, уларни молиялаштириш манбаларидан қатъи назар, қуриш ва реконструкция қилишнинг манзилли рўйхатларини кўриб чиқиш ва тасдиқлашнинг умумий муддати 37 иш кунидан ортиқ бўлмаслиги керак.

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси Комиссиянинг ишчи органи ҳисобланади.

АСОСЛАНГАН СМЕТА ҲИСОБ-КИТОБИ

Вазирлар Маҳкамасининг 7.02.2012 йилдаги 32-сон қарори билан Ҳисоб-китоб (смета) қиймати ошириб юборилган объектлар бўйича хулосалар тайёрлаш ва уларни Вазирлар Маҳкамасига киритиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди.

Низом қурилиши (реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш) марказлаштирилган манбалар; бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маб-

лағлари; давлат корхоналари маблағлари; Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорлари остидаги хорижий кредитлар ҳамда халқаро ва хорижий молия институтлари томонидан бериладиган хорижий грантлар ҳисобига амалга ошириладиган ижтимоий ва фуқаро объектларига нисбатан татбиқ этилади.

Низомга мувофиқ (лойиҳа ечимларини яхшилаш, шунингдек ишлаб чиқилган лойиҳада илгари йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш мақсадида) ижтимоий ва фуқаро объектлари бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш масалалари кўриб чиқилади, ушбу ўзгартиришлар натижасида қуриш (реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш) қиймати қуйидагилардан ошади:

тендер савдолари натижалари бўйича аниқланган шартномавий қиймат;

улар бўйича бош пудратчи ташкилот Ҳукумат қарорига кўра белгиланган ёки ишлар хўжалик усулида бажариладиган объектлар юзасидан «Давархитектқурилиш» қўмитаси экспертиза органларининг хулосасига мувофиқ смета қиймати, шунингдек белгиланган тартибда лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилгандан кейин лойиҳалаштириш билан параллел равишда қуриладиган объектлар қиймати.

Лойиҳага объект қийматининг кўпайишига олиб келадиган ўзгартиришлар киритиш бўйича таклифларнинг асосланганлиги юзасидан материалларни кўриб чиқиш ва хулосаларни тақдим этиш бўйича ваколатли орган бўлиб «Давархитектқурилиш» қўмитаси ҳисобланади.

КАССА ДАФТАРИНИ НИЗОМ БЎЙИЧА ТЎЛДИРИНГ

Давлат солиқ қўмитасининг қарори билан (АВ томонидан 16.02.2012 йилда 2309-1-сон билан рўйхатдан ўтказилган) Кассир-операциячининг назорат-касса дафтари шаклини тасдиқлаш тўғрисидаги қарорига (АВ томонидан 09.01.2012 йилда 2309-сон билан рўйхатдан ўтказилган)

ўзгартиришлар ва қўшимча киритилди. Ўзгартиришларга мувофиқ қарорнинг номи «Кассир-операциячининг назорат-касса дафтари шакли ва уни тўлдириш тартибини тасдиқлаш тўғрисида» деб баён этилди. Қарор билан Кассир-операциячининг назорат-касса дафтарини тўлдириш тартиби тўғрисидаги низом (кейинги ўринларда Низом деб юритилади) тасдиқланди.

Кассир-операциячининг назорат-касса дафтари иш куни (смена) давомида фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машинаси хотирасига киритилган ва банк кассаларига топширилган ҳамда иш куни охирига нақд пул тушумининг қолдиғи тўғрисидаги маълумотлар ёзиб қўйилгандиган махсус дафтардир.

Дафтар назорат-касса машиналаридан фойдаланиб, аҳоли билан нақд пулли ҳисоб-китоб қилувчи юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорлар томонидан мажбурий тартибда тўлдирилади ва хўжалик юритувчи субъектларда солиқ текширувларини ўтказиш жараёнида текширувни ўтказётган мансабдор шахсларга тақдим этилиши лозим. Низомда дафтарга нақд пул тушумлари ҳақидаги ёзувларни киритиш қоидалари берилган.

2012 йил 26 февралдан кучга киради.

ЗАРГАРЛИК ДЎКОНЛАРИ АКЦИЗ СОЛИҒИНИ ҚАНДАЙ ТЎЛАЙДИ

Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг қарори билан (АВ томонидан 16.02.2012 йилда 2328-сон билан рўйхатдан ўтказилган) Чакана савдо тармоғида сотиладиган олтидан ишланган заргарлик буюмларига акциз солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди. Низомда «заргарлик буюмларининг чакана савдоси», «заргарлик буюмлари», «заргарлик буюмининг оғирлиги» тушунчалари таърифланиб, заргарлик буюмларига акциз солиғи тўловчилари, солиқ солиш объекти, солиқ солинадиган база, ушбу солиқни ҳисоблаб чиқиш тартиби ва у юзасидан ҳисоб-китобни тақдим этиш тартиби белгиланган.

2012 йил 26 февралдан кучга киради.

ПАХТА ТОЛАСИГА ҚҚС ҲИСОБЛАБ ЧИҚАРИШ ТАРТИБИ

Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг қарори билан (АВ томонидан 16.02.2012 йилда 2327-сон билан рўйхатдан ўтказилган) Республика ички истеъмолчиларига реализация қилинадиган пахта толасига қўшилган қиймат солиғини

ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақидаги низом тасдиқланди. Мазкур низомга мувофиқ, пахта толасини республика ички истеъмолчиларига реализация қилишда қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби белгиланди.

Эндиликда, пахта тозалаш заводи томонидан республика ички истеъмолчиларига реализация қилиш учун мўлжалланган пахта толасини «Пахтасаноат» ХАБга реализация қилиш шартномага оғирликда улгуржи преysкуронт нархларда қўшилган қиймат солиғининг 20 фоиз ставкаси қўлланилган ҳолда амалга оширилади.

Пахта толасини республика ички истеъмолчиларига реализация қилишда «Пахтасаноат» ХАБ қўшилган қиймат солиғи суммасини ўз ичига олувчи воситачилик ҳақидан келиб чиққан ҳолда қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқаради. «Пахтасаноат» ХАБ ёзиб берилаётган ҳисобварақ-фактурада пахта толаси қийматини ва қўшилган қиймат солиғи суммаларини тегишинча ажратиб кўрсатган ҳолда воситачилик ҳақи суммасини алоҳида сатрларда ажратиб кўрсатади.

Бунда, ҳисобварақ-фактуралар мазкур Низомга мувофиқ қатъий амал қилган ҳолда маълумотларни ўз ичига олиши керак.

«Пахтасаноат» ХАБ ва ТИАИСВ компаниялари томонидан ёзиб бериладиган ҳисобварақ-фактурада ажратиб кўрсатилган қўшилган қиймат солиғи суммаси Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 218-моддасида назарда тутилган тартибда республика ички истеъмолчилари томонидан ҳисобга олинади.

Агар республика ички истеъмолчиларига реализация қилинаётган пахта толасининг жаҳон баҳоси (15 фоиз миқдоридаги чегирмани чиқариб ташлаган ҳолда), преysкуронт баҳосидан (қўшилган қиймат солиғини ҳисобга олган ҳолда) паст бўлса, ҳисобга олиниши лозим бўлган қўшилган қиймат солиғи суммаси преysкуронт баҳосидан эмас, ҳақиқатда реализация қилиш баҳосидан келиб чиқиб, ҳисоб-китоб йўли билан қуйидаги формула орқали аниқланади:

Қўшилган қиймат солиғи = Жаҳон баҳоси (чегирмани ҳисобга олган ҳолда) × 20/120.

2012 йил 26 февралдан кучга киради.

2012 йил 4 февралдан 17 февралгача бўлган даврда қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қисқача шарҳларини эксперт-юристларимиз Абдурахмон БАХТИЕВ ва Сардор ДЖУМАШОВ тайёрладилар.

МДХ ВА БОЛТИҚБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

Мамлакат	Сана	АҚШ доллари		Евро		Россия рубли	
		бирлиги	курси	бирлиги	курси	бирлиги	курси
Озарбайжон	17.02.2012	1	0,7863	1	1,0323	1	0,0262
Арманистон	17.02.2012	1	389,26	1	512,15	1	13,00
Беларусь	18.02.2012	1	8270,00	1	10860,00	1	276,00
Грузия	17.02.2012	1	1,6598	1	2,1569	1	5,4942
Қозоғистон	18.02.2012	1	148,12	1	194,48	1	4,94
Қирғизистон	18.02.2012	1	46,6755	1	61,2546	1	1,5559
Латвия	20.02.2012	1	0,536	1	0,702804	1	0,0178
Литва	20.02.2012	1	2,6278	1	3,4528	10	8,768
Молдова	17.02.2012	1	11,842	1	15,3946	1	0,3909
Тожикистон	18.02.2012	1	4,7589	1	6,187	1	0,1595
Ўзбекистон	21.02.2012	1	1824,38	1	2398,65	1	60,82
Украина	17.02.2012	100	798,75	100	1036,9373	10	2,644
Эстония	31.12.2010	1	11,7107	1	15,6466	1	0,383246

Манба: www.prime-tass.ru

УШЕУ СОНДА:

✓ ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

- ОТЕ ва Ўзбекистон ҳамкорлиги изчил ривожланмоқда
- Янги ҳужжатларни тақдим этамиз **1-2-бетлар**
- ✓ БЕВОСИТА МУЛОКОТ
- Яхши ўқиганга – кўпроқ стипендия **3-бет**
- ✓ КАДРЛАР БЎЛИМИ
- Огоҳлантириш ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқармайди

- Касаба уюшмаси раиси ишга қандай қабул қилинади?
- Меҳнат инспекциясига исталган вақтда муурожаат қилишингиз мумкин
- Бир неча ишда ишлашни ўриндошлик билан адаштирманг
- Ишдан бўшатишга олиб келадиган ҳуқуқбузарликлар
- Доимий тусдаги вақтинча ўтказиш **4, 11-бетлар**
- ✓ БИЗ ЯШАЙДИГАН УЙ
- Тузатишлар киритиш талаб қилинади
- Рўйхатларда йўқ
- Уйда яшамайдиганлар учун бадаллар

- Ортиқча йўл-йўриқларсиз
- Ҳисоблагич тамғаси бузилмаган экан
- Зўрма-зўраки қарздорлик
- ✓ ТАДБИРКОРГА ЁРДАМ

5-8-бетлар

- Тошкент шаҳар ҳокимининг «Тошкент шаҳридаги давлат кўчмас мулкидан фойдаланганлик учун 2012 йилда қўлланиладиган ижара тўловининг энг кам ставкалари ҳақида»ги қарори

9-10-бетлар

✓ СЎНГСЎЗ ЎРНИДА

- Мўъжиза деганларича бор

12-бет

ЯХШИ ЎҚИГАНГА – КЎПРОҚ СТИПЕНДИЯ

Яқинда ўғлим талаба бўлди, стипендия ола бошлади. Ўзбекистон олий ўқув юртлари талабалари учун стипендияларни ким қандай миқдорда белгилайди?

З.Курганова.

– «Таълим тўғрисида»ги Қонуннинг 20-моддасида белгиланича, ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида таълим муассасасида таълим олувчилар стипендия билан таъминланади.

Вазирлар Маҳкамасининг «Олий ўқув юртлари талабаларига стипендиялар тўлаш тартиби ва миқдорлари тўғрисида»ги қарорига (17.08.2001 йилдаги 344-сон) мувофиқ 2001 йил 1 сентябрдан бошлаб давлат грантлари бўйича ва тўлов-контракт асосида ўқитишнинг кундузги шаклида таълим олаётган олий ўқув юртларининг барча талабалари (хорижий мамлакатлар талабаларидан ташқари) стипендия билан таъминланиши керак. Ўқув йили учун тўлов-контракт шаклида ўқитишнинг қий-ми миқдорига ҳар ойда тўла-

надиган стипендия миқдори (0,75 коэффиценти билан) албатта киритилади. Бунда у талабаларнинг ўзлаштириш рейтинг кўрсаткичларидан қатъи назар, қайта ҳисобланмайди ва қайтарилмайди. Ушбу ҳужжат билан талабаларнинг ўзлаштириш рейтинг баллари-га боғлиқ ҳолда табақалаштирилган коэффицентларни қўллаган ҳолда стипендияларнинг базавий миқдорлари ҳам белгиланган.

Кейинги йилларда стипендияларнинг миқдорлари Президентнинг энг кам иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорларини оширишни белгилайдиган фармонларига мувофиқ оширилган, уларга асосан олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги стипендияларнинг базавий миқдорларини ошириш тўғрисида буйруқ чиқаради.

Чунончи, 2011 йил 1 декабрдан бошлаб, Президентнинг 3.11.2011 йилдаги ПФ-4377-сон Фармонида мувофиқ, олий ва ўрта махсус таълим вазирининг буйруғи билан (5.11.2011 йилдаги 439-сон) стипендияларнинг қуйидаги миқдорлари белгиланган:

Талабаларнинг тоифалари	2011 йил 1 декабрдан бошлаб стипендия суммаси (сўм)
ЎзР Президенти давлат стипендияларининг стипендиатлари	400 705
Беруний, Ибн Сино, Навоий, Улугбек, Имом ал-Бухорий номли давлат стипендияларининг стипендиатлари	277 746
Ўзлаштириш рейтингига боғлиқ ҳолда стипендиатлар:	
86–100%	212 251
71–85%	159 188
55–70%	106 126
Ўзлаштириш рейтингига боғлиқ ҳолда ота-оналар қаровисиз қолган етим болалардан бўлган талабалар:	
86–100%	230 342
71–85%	172 757
55–70%	115 171

Талабаларнинг тоифалари	2011 йил 1 декабрдан бошлаб стипендия суммаси (сўм)
Ўзлаштириш рейтингига боғлиқ ҳолда давлат таъминотида бўлган, ота-оналар қаровисиз қолган етим болалардан бўлган талабалар:	
86–100%	202 538
71–85%	151 904
55–70%	101 269
Ўзлаштириш рейтингига боғлиқ ҳолда ярадор ёки контузия бўлиш оқибатида ногиронга айланган собиқ ҳарбий хизматчилар, байналмилалчи жангчилар сирасидаги талабалар:	
86–100%	240 579
71–85%	180 434
55–70%	120 290
Ўзлаштириш рейтингига боғлиқ ҳолда байналмилалчи жангчилар сирасидан бўлган талабалар:	
86–100%	230 242
71–85%	172 757
55–70%	115 171
Ўзлаштириш рейтингига боғлиқ ҳолда математика, амалий математика ва информатика, ахборот технологиялари ва ахборот хавфсизлиги ихтисосликлари бўйича олий ўқув юртларида таълим олаётган талабалар:	
86–100%	230 998
71–85%	173 249
55–70%	115 449
Қар-соқов ва кўзи ожиз талабаларга белгиланган стипендия 50%га кўпайтирилади	

Стипендия тайинлаш тартиби қуйидаги ҳужжатлар билан тартибга солинади: Номли давлат стипендиялари ва уларни тайинлаш тартиби тўғрисидаги низом, Талабалар учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендиялари ва уларни тайинлаш тартиби тўғрисидаги низом (ВМнинг 13.10.2008 йилдаги 226-сон қарори) билан тасдиқланган) ва Олий таълим муассасалари талабаларига стипендиялар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқнома².

Ўзлаштириши яхши талабалар-

га стипендиялар ўқув йилда 2 марта тайинланади ва ҳар ўқув семестри ойининг 1-кунидан тўланади.

Давлат грантлари бўйича ва пулли-контракт асосида ўқиётган бакалаврият ва магистратура биринчи курсининг талабаларига стипендия миқдори биринчи ўқув семестрида стипендиянинг базавий миқдоридан 0,5 коэффиценти-ни қўллаган ҳолда белгиланади. Иккинчи ва ундан кейинги семестрларда стипендия табақаланган коэффицент-

ларни қўллаган ҳолда талабаларнинг давомати (рейтинги)га боғлиқ равишда тайинланади:

рейтинг бўйича энг юқори баллар (86–100%) – 1,0;
рейтинг бўйича юқори баллар (71–85%) – 0,75;
рейтинг бўйича ўртача баллар (55–70%) – 0,5.

Ўқув семестри учун рейтинг назорати натижалари бўйича узр-сиз сабабларга кўра академик қарзга (бир ёки ундан кўп фанлар бўйича 55%дан кам рейтингга) эга бўлган олий таълим муассасаларининг талабалари кейинги ўқув семестри ойининг 1-кунидан бошлаб стипендия олиш ҳуқуқидан маҳрум бўладилар. Белгиланган тартибда академик қарзини бартараф этган (тегишли фанлар бўйича 55 ва ундан кўп фоиз тўплаган) талабаларга стипендия академик қарз топширилган ойдан кейинги ойининг 1-кунидан бошлаб, кейинги ўқув семестрига қадар 0,5 коэффицентини қўллаган ҳолда тайинланади.

Тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланган касаллиги ёки бошқа узрли сабабларга кўра академик қарзга эга бўлган талабалар, олий таълим муассасасининг ректори белгилайдиган индивидуал муддатларда академик қарзларини бартараф этмагунларига қадар стипендия олиши бекор қилинмайди.

Ўқув режаси билан назарда тутилган малака амалиётлари ва таътиллار даврида талабаларнинг стипендия олиш ҳуқуқи сақланади. Академик таътилда бўлган талабаларга стипендия тўланмайди.

Пенсия оладиган талабаларга стипендия умумий асосларда тайинланади.

200-00-59 телефони орқали келиб тушган саволга эксперт-юристинимиз Римма СОЛОДОВНИКОВА жавоб бери.

Эълонлар

БЕВОСИТА МУЛОҚОТ

уяли телефондан +99871 200-00-59
стационар телефондан 8371

Солиқ солиш ва бухгалтерия масалалари юзасидан саволларингизга телефон орқали жавоб берамиз.
Соат 10.00 дан 12.00 гача

Хизматлар бепул

ХУРМАТЛИ ГАЗЕТХОНЛАР!

2012 йилда «Солиқ ва божхона хабарлари» ва «Норма маслаҳатчи» газеталарида қандай мавзулар ёритилишини хоҳлайсиз?

Таклиф ва истакларингизни 283-36-34 телефони орқали билдиришингиз мумкин.

Биз билан бирга бўлганингиздан мамнунмиз.

Тахририят.

РЕАЛИЗАЦИЯ

«КАЛИНА» концернининг Ўзбекистондаги расмий дистрибьютори «Черный жемчуг», «Чистая линия», «Сто рецептов красоты», «Бархатные ручки» ва «Маленькая фея» туркумидаги совга тўпламларини нақд пулсиз ҳисоб-китоб бўйича таклиф этади*.
Тел. (+99890) 958-08-02.

Совуткич камера (850 000 сўм).
1 йилда ўзини оқлайди*.
Тел.: 923-32-23, 451-85-00.

«EMULAK KRAKHMAL» ХК 75 ва 115 граммлик идишларда қадоқланган ПВА идора елимини реализация қилади.
Пул ўтказиш йўли билан*.
Тел. 470-92-61.

АУДИТОРЛИК ХИЗМАТЛАРИ

Аудит. Бухгалтерия хизматлари*.
Тел.: 570-18-64.

БАҲОЛАШ ХИЗМАТЛАРИ

Асосий фондлар, кўчмас мулк, автотранспорт, ускуналарни қайта баҳолаш*.
Тел.: (+99898) 365-33-60, (+99871) 245-75-47.

Баҳолаш ва бизнес-режалар*.
Тел. 430-56-00.

ЮРИДИК ХИЗМАТЛАР

ADVOKAT ELITE. Судларда вакиллик қилиш. Корхоналар, ваколатхоналарни рўйхатдан ўтказиш, қайта ташкил этиш, тугатиш ва уларга юридик хизмат кўрсатиш*.
Тел.: 281-52-39, 448-74-69.

*Хизматлар лицензияланган. Товар сертификатланган.

Кўчмас мулк бўйича юрист маслаҳатлари. Кадастр*. Тел. 448-74-69.

БОЖХОНА ХИЗМАТЛАРИ

Ўз иш ҳажмларига эга бўлган божхона расмийлаштируви мутахассислари ва декларантлар керак.
Тел.: 109-26-11, 128-25-08.

«ASTER» ХК – БЮДни расмийлаштириш, юкларни декларациялаш.
Тел.: 127-31-08, 233-23-27, 109-26-11.

ХИЗМАТЛАР

Ташкилий техникани таъмирлаш ва тўлдириш. Жойига чиқиш билан. Windows ўрнатиш.
Тел. 726-52-33.

Корхона ва ташкилотларга иссиқ таом келтиришни ташкил этамиз. Тўлов – исталган шаклда.
Тел. (+99890) 185-05-98.

СЕРВИС МАРКАЗИ. Epson, HP, CANON рангли струяли принтерларни таъмирлаш ва тўлдириш, жойига чиқиш билан. Тел. 903-73-93.

Компьютерлар, ташкилий техника, ноутбуклар ка-фолат билан. Тўлов – исталган шаклда.
Тел.: 126-20-17, 989-09-10, 215-61-11.

Ташкилотлар учун компьютер ва маиший техникани ҳисобдан чиқариш учун ҳужжатларни тайёрлаш.
Тел.: 233-74-95, 233-17-56, 236-76-46.

Микротўлқинли печлар, DVDни ТАЪМИРЛАШ. Жойига чиқиш билан.
Тел. 903-73-93.

СЕРВИС МАРКАЗИ: компьютерлар, принтерлар, мониторлар – таъмирлаш, тўлдириш. Жойига чиқиш билан.
Тел. 903-73-93.

ОГОХЛАНТИРИШ ҲУҚУҚИЙ ОҚИБАТЛАРНИ КЕЛТИРИБ ЧИҚАРМАЙДИ

Кенгашда раҳбар ходимга оғзаки огоҳлантириш эълон қилди. Кейинроқ «оғзаки огоҳлантирилсин» формулировкаси билан буйруқ чиқарилди. Бундай огоҳлантириш қандай ҳуқуқий оқибатларга олиб келади?

Г.Белов.

– Оғзаки огоҳлантириш ҳеч қандай ҳуқуқий оқибатларга олиб келмайди.

Ходим ўз зиммасига юкланган меҳнат вазибаларини ўз айби билан бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун иш берувчи интизомий жазо чораларини қўллаш ҳуқуқига эгадир.


Меҳнат кодексининг (бундан кейин – МК) 181-моддасида интизомий жазо чоралари рўйхати (ҳайфсан, ўртача ойлик иш ҳақининг 30%идан ошмайдиган миқдорда жарима) назарда тутилган. Ички меҳнат тартиби қоидаларида ходимга ўртача ойлик иш ҳақининг 50%идан кўп бўлмаган миқдорда жарима со-

лиш ва ҳатто у билан меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳоллари назарда тутилиши мумкин (МК 100-моддаси иккинчи қисмининг 3 ва 4-бандлари).

Оғзаки огоҳлантириш ушбу рўйхатга кирмайди ва маъмурий жазо ҳисобланмайди, бирор-

бир оқибатларга ва амал қилиш муддатларига эга бўлиши мумкин эмас.

Мукофот тўламаслик (уни камайитириш) сингари чора ҳам интизомий жазо чораси ҳисобланмайди. Оғзаки огоҳлантириш ҳам, мукофотдан тўлиқ ёки қисман



КАСАБА УЮШМАСИ РАИСИ ИШГА ҚАНДАЙ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ?

Касаба уюшмаси ташкилотининг сайланган, бошқа ишлардан озод қилинган раиси билан меҳнат шартномаси тузиш керакми? Агар керак бўлса, уни ким тузиши керак? Нимага асосланиб? Агар сайловда айтилмаган бўлса, раиснинг ваколат муддати қанча бўлади?

Касаба уюшмаси кўмитасининг аъзоси.

– Қоидага кўра Ўзбекистон Республикасида меҳнат шартномаси ходим билан иш берувчи ўртасида, шу жумладан лавозимга сайланиш натижасида меҳнат муносабатлари юзага келишининг бирдан бир асосидир.

Касаба уюшмаси органларидаги лавозимга сайланадиган шахслар тоифасига бошланғич касаба уюшмаси ташкилоти касабаси уюшмаси кўмитасининг раиси ҳам киритилади. Лавозимга сайланиш одатда қонун ёки бошқа ҳуқуқий ҳужжат билан тартибга солинади. Айрим ҳолларда сайлов йўли билан лавозимни эгаллаш тўғрисидаги кўрсатма ташкилотнинг таъсис ҳужжатларида келтирилади.

Мисол сифатида Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши Уставининг (Ўзбекистон касаба уюшмалари федерациясининг 21.12.2010 йилдаги V қурултойида тасдиқланган) қоидасини келтириш мумкин. Унга кўра **сайлаб қўйиладиган лавозимга сайланган ходим билан 5 йил муддатгача муддатли меҳнат шартномаси (контракт) тузилади ва у чекланмаган марта сайланиши мумкин.**

Сайлаб қўйиладиган касаба уюшмаси ходимларининг меҳнатини ҳуқуқий тартибга солишнинг хусусиятлари, ўз навбатида,

касаба уюшмаси иши асосий ишдан озод этилган ҳолда (бу ҳолда уларни ишдан озод этилган касаба уюшмаси ходимлари деб аташ қабул қилинган) ёки ундан озод этмасдан бажарилишига боғлиқдир.

Бошланғич ташкилотнинг олий органи касаба уюшмаси йиғилиши (конференцияси)дир. Ишдан озод этилган касаба уюшмаси ходими билан бошланғич касаба уюшмаси ташкилоти ўртасида меҳнат муносабатлари юзага келишига асос бўлиб лавозимга сайланиш натижасида тузиладиган меҳнат шартномаси ҳисобланади (МКнинг 72–76 ва 82-моддалари). Касаба уюшмаси кўмитаси раисини сайлаган орган (умумий йиғилиш, конференция, касаба уюшмаси кўмитаси) касаба уюшмаси кўмитасининг аъзоларидан бирига уни иш берувчи номидан имзолаш ваколатини бериб, ушбу топшириқни тегишли ҳужжатда (қарор, баённома) акс эттириши керак. Ушбу ҳаракатлар МК 15-моддаси 3-бандининг талабларига жавоб беради, чунки айрим шахслар иш берувчи номидан раис билан муддатли меҳнат шартномасини имзолашга ваколатли бўлишлари мумкин.

Раис билан меҳнат шартномаси тузилаётганда унинг бир тарафи (яъни иш берувчи)

бўлиб Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси Кенгашининг Уставига мувофиқ **юридик шахс сифатида касаба уюшмаси ташкилоти майдонга чиқиши керак.**

Агар бошланғич касаба уюшмаси ташкилоти ёки касаба уюшмаси органи юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтказилмаган бўлса, у иш берувчи ролида чиқа олмайди, бинобарин, бундай касаба уюшмаси ташкилоти раис билан меҳнат шартномаси туза олмайди.

Ташкилот касаба уюшмаси кўмитасининг ишдан озод этилган раисини сайлаш ва у билан меҳнат шартномасини тузиш тартибга соладиган ҳисобот-сайлов ва ташкилий касаба уюшмаси йиғилишларининг баённомаларидан кўчирмалар намуналари www.norma.uz сайтида берилган.

Сайланадиган лавозимга сайланиш оқибатида ишлаб чиқариш ишидан озод қилинган ходим аввалги иш берувчи билан меҳнат муносабатларини тўхтади ва касаба уюшмаси ташкилотига ишга ўтади. Касаба уюшмаси кўмитасининг раиси лавозимга сайланади ва касаба уюшмаси ташкилотига меҳнат шартномаси бўйича ишлайди (МКнинг 82-моддаси).

Шу тариқа, ходимнинг юридик шахс мақомига эга бўлган касаба уюшмаси ташкилотининг сайланадиган органига сайланиши, моҳиятга кўра, унга бошқа иш берувчида ишлаш таклиф қилинганлигини англатади. Сайланадиган лавозимни эгаллашга розилик билдириб, сайланувчи меҳнат муносабатларини бекор қилиш тўғрисида ариза беради.



Уни ва кўрсатилган лавозимга сайланганликни тасдиқловчи ҳужжатни (қарор, баённома) олган кадрлар хизмати бошланғич касаба уюшмаси ташкилотига сайланадиган лавозимга ўтиш муносабати билан ўз хоҳишига кўра меҳнат шартномасини бекор қилиш таомилини амалга ошириши керак (МКнинг 99-моддаси).

Сайлаш тўғрисидаги ҳужжатнинг реквизитлари меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги буйруқда (фармойишда) келтирилади. Ходим меҳнат дафтарчасининг 3-устунига қуйидаги ёзув қайд этилади: «Меҳнат шартномаси бекор қилинган» (Меҳнат дафтарчаларини юртиш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг¹ 2.18-банди).

Касаба уюшмаси ташкилотига ишлашга ўтган шахсга МКнинг 25-моддасида назарда тутилган имтиёзлар ва кафолатларни бериш Меҳнат шартномасини бекор қилишнинг буйруқда кўрсатилган асосига боғлиқдир. Унинг қоидаларига кўра, вакиллик органларидаги сайлаб қўйиладиган лавозимларга сайлангани муносабати билан ишлаб чиқаришдаги ишдан озод этилган ходимларга уларнинг сайлаб қўйиладиган лавозимдаги ваколати тугагандан кейин аввалги иши (лавозими) берилади, бундай иш (лавозим) мавжуд бўлмаса, – аввалгисига тенг бошқа иш (лавозим) бери-

маҳрум қилиш ҳам – таъсир кўрсатиш чораси бўлиб, уни иш берувчи белгилай олади. Бироқ бундай чораларни қўллаш учун ҳамда ходимларнинг моддий манфаатдорлигини кучайтириш мақсадида ташкилотда мукофотлаш тўғрисидаги низом тасдиқланиши керак, унда нафақат мукофот тўлаш тартибини белгилаш, балки ундан маҳрум қилиш ёки миқдорини камайитириш учун асослар рўйхатини ҳам назарда тутиш лозим.

Шу тариқа, ходим иш берувчининг ҳаракатлари устидан шикоят қилишига зарурат йўқ, чунки иш берувчининг ҳаракатларида у мазкур чорани мустақил равишда белгилаб, уни сиз учун етарли деб ҳисобланганлиги кўриниб турибди.

лади. Тегишли иш (лавозим) бериш имконияти бўлмаган тақдирда улар қонунларда ёки жамоа шартномалари, келишувларида назарда тутилган имтиёзлардан фойдаланадилар.

5 йиллик муддат тугагач ёки муддатдан аввал тегишли касаба уюшмасининг уставига мувофиқ сайлов ўтказилади. Сайлов бундан ҳам эрта ўтказилганда, аввалги ходимнинг ваколатлари, тегишинча, аввалроқ бекор қилинади ва у билан меҳнат шартномасини муддат тугаши муносабати (МКнинг 105-моддаси) билан эмас, балки ваколатли касаба уюшмаси органи томонидан янги муддатга сайланмаганлик ёки сайлашда иштирок этишдан бош тортиш муносабати билан меҳнат шартномасини муддатдан аввал бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилиниши (МК 97-моддасининг 6-банди) боис бекор қилишга тўғри келади.

Янги муддатга қайта сайланган тақдирда эса янги меҳнат шартномаси тузилиши керак, чунки аввалги меҳнат шартномасида лоақал битта шарт: иш бошлаш куни тўғрисидаги шарт ўзгартирилиши керак, бироқ бошқа шартлар ҳам ўзгартирилиши мумкин.

Бўшаган иш жойига қабул қилинган ходим билан меҳнат шартномаси қонун билан белгиланган тартибда номуайян муддатга тузилади.

¹Меҳнат вазирилиги ва Ижтимоий таъминот вазирилиги томонидан тасдиқланган, АВ томонидан 29.01.1998 йилда 402-сон билан рўйхатдан ўтказилган.



МУНДАРИЖА:

- ✓ Тузатишлар киритиш талаб қилинади
- ✓ Ҳисоблагич ўрнатилган бўлса-да
- ✓ Рўйхатларда йўқ
- ✓ Бўнак тўловларини қайта ҳисоб-китоб қилиш керакми?
- ✓ Уйда яшамайдиганлар учун бадаллар
- ✓ Ортиқча йўл-йўриқларсиз
- ✓ Ҳисоблагич тамғаси бузилмаган экан
- ✓ Зўрма-зўраки қарздорлик



Қонун чиқарувчилар эътиборига

ТУЗАТИШЛАР КИРИТИШ ТАЛАБ ҚИЛИНАДИ

Иссиқлик таъминотидаги узилишлар туфайли оиламиз марказий иситиш хизматларидан бош тортишга қарор қилди. Узоқ давом этган ёзишув ва иссиқлик энергияси етказиб берувчисининг барча талабларини бажарганимдан кейин мен ундан энди иситиш учун тўлов ҳисобланмаслиги тўғрисида расмий билдирувнома олдим. Бироқ кейинги вақтда «Иссиқликқуввати» яна етказиб берилмаган иссиқлик учун ҳақ тўлашни, шунингдек демонтаж қилинган иссиқлик асбобларини тиклашни талаб қила бошлади.

Бир қатор локал меъёрий ҳужжатларга асосланиб, етказиб берувчи ХУМШ, электр билан таъминлаш ташкилотидан иситиш асбобларини ўрнатиш, лойиҳа қарорини расмийлаштириш ва ҳоказолар учун рухсатнома тақдим этишни талаб қиляпти. Менинг квартирамда иситиш тармоғи бизнинг ХУМШ ижозати ва розилиги билан қайта жиҳозланган, бу ишлар иссиқлик энергиясини етказиб берувчи билан келишилган ва уйни иситишнинг умумий чизмаси ўзгартирилмасдан амалга оширилган. Иссиқликнинг муқобил манбаси сифатида эса саноатда ишлаб чиқарилган янада илғорроқ электр асбобларидан фойдаланил-
япти. «Иссиқликқуввати» ходимларининг ҳаракатлари тўғрими?

И.Никифоров.



– Кўп квартиралар уйдаги иситиш тизимларини демонтаж қилиш масаласи «Норма маслаҳатчи»-нинг 15.11.2011 йилдаги 46-сонида чоп этилган «Биз яшайдиган уй» мавзувий сонида батафсил кўриб чиқилган. Бугунги кунда у қонун ҳужжатлари билан етарлича тартибга солинмаган ва турли идораларнинг келишилган ҳаракатларини талаб қилади. Ушбу масалани ҳал этиш ваколат доирасига кирадиган бир қатор мутахассислар фикрича, иссиқлик асбобларини қайта жиҳозлаш (ҳатто у уйнинг иситиш тармоғи чизмасини ўзгартиришсиз амалга оширилган бўлса-да) уйдаги умумий иссиқлик мувозанатини бузади. Натижада бинода зарурий ҳарорат таъминланмайди. Улар қайта жиҳозлаш чоғида квартира эгаси бажариши керак бўлган бир қатор талабларни олға суради. Хусусан, «Иссиқликқуввати» қуйидаги шартларга риоя этилганда иссиқликнинг муқобил манбасини танлашга йўл қўяди, шу жумладан:

1) барча квартираларнинг эгаларидан улар уйнинг бутун иситиш тизими ишининг ёмонлашишига олиб келадиган иситиш асбобларининг йўқлигига эътироз билдирмаслиги тўғрисида ёзма розилиги олиниши;

2) ХУМШ билан квартирани иситиш тизимини реконструкция қилиш ва иситиш асбобларини демонтаж қилиш масалаларини келишиб олиш;

3) квартирада иситиш асбобларини демонтаж қилганда бутун уйнинг иситиш тизими тегишли циркуляциясини таъминлаш учун зарур чораларни акс эттирадиган лойиҳа ечими бўлиши. (Уй ичидаги муҳандислик коммуникацияларини реконструкция қилиш лойиҳасини бажаришга лицензияси бўлган лойиҳа ташкилотига аризани квартира мулкдори эмас, балки уйдаги умумий тизимларни сақлаш билан шуғулланадиган ХУМШ юбориши керак);

4) марказлаштирилган иссиқлик таъминоти ўрнига квартирада ҳароратни камида +18 ҳаро-

*Таҳририят ихтилофли вазиятларни таҳлил қилишда иштирок этмайди ва уларни ҳал қилишда кўмаклашишга ваколатли эмас.


Мавзувий сонни Ирина ГРЕБЕНЮК олиб боради.

← ратда ушлаб туриш ҳисобига туташ турар жойлар билан иссиқлик мувозанатини таъминлайдиган иситиш асбобларини ўрнатишга энергия таъминоти корхонасининг рухсатномасини олиш.

Бироқ ушбу талаблар иссиқлик энергияси етказиб берувчисининг ички регламенти бўлиб, унга бошқа идоралар, хусусан, «ТошшаҳарЭТК» ОАЖнинг ўз фикри мавжуд: кўп квартирали уйларнинг турар жойларини электр билан иситиш электр энергиясининг тақчиллиги муносабати билан назарда тутилмаган. **Ундан кўп квартирали турар жой фондимида устун бўлган иссиқлик таъминотининг марказлаштирилган тизими ўрнида фойдаланиш учун ТошшаҳарЭТК амалдаги КМК 2.04.17-98 «Турар жой ва умумий биноларни электр билан жиҳозлаш»ни* қайта кўриб чиқиш ва «Ўзэнергоназорат» ДИдан рухсатнома олиш зарурлиги масаласини қўяди.**

Иситиш асбобларини демонтаж қилишга тааллуқли кўп мурожаатлар Монополиядан чиқа-

*Давархитектқурилиш қўмитаси томонидан 1.04.1998 йилда 32-сон билан тасдиқланган.



риш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасига келиб тушяпти. Ушбу масалани ўрганиб, унинг мутахассислари иситиш тизимларини демонтаж қилиш имкониятини тартибга соладиган қонун ҳужжатлари қатъий ечимни бермайди ва уларга тузатишлар киритишни талаб қилади деган фикрга келдилар. О

Таҳририят почтасидан

ҲИСОБЛАГИЧ ЎРНАТИЛГАН БЎЛСА-ДА


Уйимда газ ҳисоблагич ўрнатилган, унинг кўрсаткичларига қараб ҳақ тўлаймиз. Бироқ Оҳангарон шаҳар газ идораси ушбу маълумотларни қабул қилмаяпти. Унинг ходимлари биз ҳар ойда уларга ҳисоблагич кўрсаткичларини тақдим этишимизни талаб қилишмоқда, агар бундай қилмасак, корхона тўловларни меъёрлар бўйича ҳисоблаб ёзади. Шу тариқа шахсий ҳисобварағимизда жуда катта қарз ҳосил бўлди, ҳолбуки биз ҳисоблагичга қараб вақтида тўлаяпмиз. Биз фойдаланилмаган газ сарфи учун ҳақ тўлашимиз керак бўлиб қолмоқда. Бу ҳақда қонун ҳужжатларида нима дейилган?

**В.Федотова.
Оҳангарон шаҳри.**

– Газдан фойдаланиш ҳисобкитобларини бир қатор ҳужжатлар, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида турмушда газдан фойдаланиш қоидалари* (бундан кейин – Қоидалар) ва Газ таъминоти ташкилоти чакана истеъмолчи (жисмоний шахслар) билан табиий газ етказиб беришга тузадиган шартнома (бундан кейин – Шартнома) тартибга солади. Қоидаларнинг 23-бандига мувофиқ агар квартирада газ ҳисоблагич мав-

жуд бўлса, табиий газдан фойдаланганлик учун ҳақни уй-жой мулкдори унинг кўрсаткичлари асосида ҳақ тўлаш пайтида амал қилган тарифлар бўйича тўлайди.

Олинган газ учун ҳақни истеъмолчи ҳар бир ой тугагандан кейин 10 кун мобайнида амалга ошириши



керак. Газ қиймати белгиланган муддатда тўлиқ ёки қисман тўланмаган тақдирда газ таъминоти корхонаси истеъмолчини ҳақ тўлаш лозимлиги тўғрисида хабардор қилади (Шартноманинг 6.3-банди). Агар хабарнома олинган кундан бошлаб 3 кун мобайнида истеъмолчи ҳақни тўламас, у газ таъминоти тармоғидан узиб қўйилиши керак.

Мавзувий сонни Ирина ГРЕБЕНЮК олиб боради.

Қарзни бундан кейин ундириш суд тартибида амалга оширилади (Шартноманинг 6.4-банди).

Газ етказиб беришга ҳақ банк орқали тўланганда тўлов баъзан етказиб берувчига анча узоқ вақт етиб боради, шу боис шаҳар газ идораси ҳисоблагич кўрсаткичларини солиштириш ва газ истеъмоли учун ҳақ

тўлашни талаб қилиши мумкин. Шунингдек газ таъминоти ташкилоти истеъмолчи томонидан Қоидалар ёки Шартнома бузилганлиги тўғрисида бирор-бир шубҳа пайдо бўлганда ҳисоблагич асбоб кўрсаткичларини аниқлаштиришни талаб қилишга ҳақлидир. Бироқ уларда ушбу ҳуқуқбузилишлар учун истеъмол

меъёрлари бўйича газ учун ҳақ ҳисоблаб ёзиш кераклиги хусусида меъёрлар мавжуд эмас. Шартноманинг 6.12-бандида назарда тутилишича, **меъёрий тариф бўйича газ истеъмоли учун ҳақни ҳисоблагич асбобга эга бўлмаган абонентлар тўлайдилар.** ①

*АВ томонидан 14.10.1997 йилда 370-сон билан рўйхатдан ўтказилган.

РЎЙХАТЛАРДА ЙЎҚ

Уйимиз ертўласида совуқ сув истеъмолини ҳисобга олишнинг умумий уй ҳисоблагичи ўрнатилган. 2008 йилда истеъмолчилар, Сувсоз ташкилоти ва бизнинг уйимиз кирадиган «Тинчлик» ширкати ўртасида шартнома тузилди. Унда айтилишича, совуқ сувни ҳисобга олишнинг якка тартибдаги асбоблари бўлмаган тақдирда ҳақ уйдаги яшовчиларнинг сонига бўлинган умумий уй ҳисоблагичи кўрсаткичлари бўйича унинг истеъмоли умумий ҳажмидан келиб чиқиб амалга оширилади. Агар совуқ сувни ҳисоблайдиган асбоблар квартирада бўлмаса, умумий тарифни қўллаш қанчалик тўғри бўлади?

2010 йилда мен квартирага совуқ сув ҳисоблагичини ўрнатдим. Уни текширгач, ХУМШ слесари сув ўлчагич ўрнатиб беришини сўраб ширкатга мурожаат қилдим. Бироқ ҳеч ким менга ҳисоблагич асбобларини ўрнатиш билан Сувсоз ходимлари шуғулланиши ва бунда далолатнома тузилиши кераклигини айтмади. Мен ҳисоблагич кўрсаткичлари бўйича тўлай бошладим, етказиб берувчи эса уйдаги умумий ҳисоблагич асбоб маълумотлари бўйича ҳақ ҳисоблаб ёзди. Сувсоз совуқ сувнинг ҳақиқатдаги истеъмоли бўйича ҳақ тўлаш имконини берадиган далолатнома тузиши мумкинми?


И.Давидова.
Самарқанд шаҳри.



— Ўзбекистон Республикаси шаҳарлари ва аҳоли яшайдиган пунктларида уй-жой фондини сақлаш ва таъмирлаш ва коммунал хизматларни кўрсатиш билан боғлиқ бўлган харажатларни тўлаш тўғрисидаги низомнинг (бундан кейин — Низом) 7-бандида коммунал хизматлар ҳақини аҳоли учун тарифлар бўйича тўлаш назарда тутилган. У истеъмолнинг амалдаги меъёрларини ҳисобга олган ҳолда коммунал хизматларни тақдим этиш шартномасига биноан ёки якка тартибдаги ҳисоблагичларнинг кўрсаткичлари бўйича амалга оширилади. Низомнинг 10-бандида белгиланишича, газ ва электр энергиясидан фойдаланиш нормаларидан ташқари, коммунал хизматлардан фойдаланиш нормалари уй-жой фондининг қулайлик даражасидан келиб чиққан ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан тасдиқланади. Низомнинг 12-бандига мувофиқ сув таъминоти ва канализация хизматларига тариф истеъмолнинг ойлик нормаларидан келиб чиққан ҳолда 1 киши учун белгиланади. Ўлчайдиган асбоблар мавжуд бўлган ҳолларда ичимлик суви учун тўланадиган ҳақ сув сарфини ҳисобловчи асбобнинг кўрсаткичи бўйича, оқава сувлар бўйича иссиқ

сув сув ҳисоблагич асбобининг кўрсаткичларига 1,3 коэффицентини қўллаш орқали белгиланади.

Якка тартибдаги сув ўлчагични ширкат ходимлари ҳам ўрнатишлари мумкин, бироқ уни пломбалаш, ишга тушириш, абонент унга асосан етказиб берувчининг маълумотлар базасига киритиладиган далолатнома тузиш — Сувсоз ходимларигагина тегишли ҳуқуқдир. Агар бундай қилинмаса, демак сиз ҳисоблагич асбоб кўрсаткичлари бўйича хизмат кўрсатиладиган абонентлар сирасига киритилмаган бўласиз ва етказиб берувчи сизга истеъмол нормалари бўйича совуқ сув учун ҳақ ёзишни давом эттираверади. Бундай ҳолда сиз ходимлари тезроқ сув ўлчагични ўрнатишлари ва сизни идоранинг абонентлари маълумотлар базасига киритишлари учун Сувсозга мурожаат қилишингиз лозим. Совуқ сув учун ҳисоблагич бўйича тўлаган тўловларингиз қаерга кетганлигини эса аниқлаб олинг. ①



*«Ўзкоммунхизмат» агентлиги бош директорининг АВ томонидан 13.09.2002 йилда 1173-сон билан рўйхатдан ўтказилган буйруғи билан тасдиқланган.

Мавзувий сонни Ирина ГРЕБЕНЮК олиб боради.



БЎНАК ТЎЛОВЛАРИНИ ҚАЙТА ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ КЕРАКМИ?

Аҳолига коммунал хизматлар кўрсатадиган ташкилотлар, агар ушбу хизматларга олдиндан бутун йил учун ҳақ тўлаб қўйилган бўлса, истеъмолчига тарифларнинг ошганлиги муносабати билан қайта ҳисоб-китоб қилишга ҳақли бўладиларми?

Ш.Раҳмонова.

– Йўқ, аҳолига коммунал хизматлар кўрсатадиган ташкилотлар тарифлар ошганлиги муносабати билан 12 ойдан кўп бўлмаган давр учун олдиндан тўланган суммани қайта ҳисоб-китоб қилишга ҳақли эмаслар.

Мазкур тартиб ВМнинг 18.04.2011 йилдаги «Аҳолига коммунал хизмат кўрсатишни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 178-сон қарори (бундан кейин – 178-сон қарор) 7-банди ҳамда Ўзбекистон Республикаси шаҳарлари ва аҳоли яшайдиган пунктларида уй-жой фондиди сақлаш ва таъмирлаш ва коммунал хизматларни кўрсатиш билан боғлиқ бўлган харажатларни тўлаш тўғрисидаги низом* (бундан кейин – 1173-сон Низом) билан белгиланган. 1173-сон Низомнинг 6-бандига кўра ҳақ тўланадиган коммунал хизматларга қуйидагилар киради: сув таъминоти, канализация, марказий иситиш, иссиқ сув таъминоти, маиший чиқиндиларни олиб чиқиш, канализация бўлмаган уйлардан ахлатларни ташиш, газ ва электр таъминоти. **Мазкур хизматларни етказиб берувчилар тарифларнинг ошиши муносабати билан тўланадиган ҳақни қайта ҳисоб-китоб қилишни**



талаб этишга ҳақли эмаслар, чунки 1173-сон Низомнинг 25-бандига биноан, «уй-жой мулкдорлари ёки уйни ёлловчилар коммунал хизматлар учун аванс тарзида (12 ойдан кўп бўлмаган даврга) ҳақ тўлаган бўлсалар, ушбу даврда тегишли тарифлар ошганидан қатъи назар қайта ҳисоб-китоб қилишдан озод этиладилар».

Электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларида (ВМнинг 22.08.2009 йилдаги 245-сон қарорига 1-илова) хизматларга олдиндан ҳақ тўлашнинг мазкур тартиби тасдиқланган (5, 119-бандлар).

Иссиқлик энергиясидан фойдаланиш қоидалари (ВМнинг 22.08.2009 йилдаги 245-сон қарорига 2-илова), Ўзбекистон Республикасида коммунал сув таъминоти ва сув чиқариш тизимларидан фойдаланиш қоидалари (АВ томонидан 24.04.1994 йилда 44-сон билан рўйхатдан ўтка-

зилган), Табиий газ истеъмолчилари ва газ билан таъминловчи ташкилотлар ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоблар тартиби тўғрисидаги низомда (ВМнинг 26.05.2005 йилдаги 132-сон қарорига 1-илова) эса аҳоли учун бўнак тўловлари тартиби белгилаб қўйилмаган. Бундан 1173-сон Низомга амал қилиш кераклиги келиб чиқади.

Бироқ шуни таъкидлаб ўтмоқчимизки, агар текширув чоғида етказиб берувчиларнинг тегишли хизматлари томонидан етказиб берилаётган хизматларни ҳисобга олиш асбоблари носоз, текширишдан ўтмаган бўлиб чиқса ёки ҳисобга олиш асбоблари ўрнатилмаган жойда яшовчилар сони олдиндан ҳақ тўлаб қўйилган даврда кўпайган бўлса, 178-сон қарорнинг 7-банди ва 1173-сон Низомнинг 25-банди қўлланмайди.

Коммунал хизматлар етказиб берувчиларнинг ҳуқуққа оид ҳаракатлари устидан сиз «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ судга мурожаат қилишингиз мумкин ёки Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг реклама фаолиятини назорат қилиш ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бошқармасига шикоят билан мурожаат қилиш керак.

*«Ўзкоммунхизмат» агентлиги бош директорининг АВ томонидан 13.09.2002 йилда 1173-сон билан рўйхатдан ўтказилган буйруғи билан тасдиқланган.

Мавзувий сонни Ирина ГРЕБЕНЮК олиб боради.

... 5. Электр энергиясига амалдаги тарифлар ўзгарган тақдирда, ҳудудий электр тармоқлари корхонаси уларнинг кучга киришидан камида 15 кун олдин қарорни оммавий ахборот воситаларида эълон қилади.

Бунда электр энергиясига тарифлар ўзгарган санадан қатъи назар, электр таъминоти шартномаси ўз кучида қолади ва истеъмолчи олинган электр энергияси ва қуввати учун янги тариф кучга кирган кундан бошлаб у бўйича ҳақ тўлашга мажбурдир.

Бунда **истеъмолчи**, тариф оширилган тақдирда, **электр энергиясининг тўлов кунидан бошлаб 12 ойдан кўп бўлмаган вақт учун аванс тарзида ҳақ тўланган миқдори учун қўшимча тўловлардан озод қилинади.**

70. Истеъмолчининг айби билан электр таъминоти шартномасида кўрсатилган электр энергияси ҳажми тўлиқ истеъмол қилинмаган тақдирда, аванс тариқасида тўланган маблағлар қайтариб берилмайди ва электр энергияси учун кейинги ҳисоб-китобларда ҳисобга олинади.

71. Истеъмолчининг электр энергияси учун қарзи бўлган тақдирда унинг аванс тўлови ҳисобига ўтказилган маблағлари қарзни қоплашга йўналтирилади ва аванс тўлови сифатида ҳисобга олинмайди.

119. Маиший истеъмолчи, ўз хоҳишига кўра, 12 ойдан кўп бўлмаган муддат учун электр энергиясидан фойдаланиш ҳақини олдиндан тўлаб қўйиши мумкин, бу ҳолда тариф ўзгарса ҳам қиймат қайта ҳисоб-китоб қилинмайди.

Электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари.

4. Иссиқлик энергиясига тариф ўзгарган тақдирда, санасидан қатъи назар, иссиқлик энергиясидан фойдаланиш шартномаси ўз кучида қолади ва истеъмолчи (субистеъмолчи) олинган иссиқлик энергияси учун янги тариф жорий этилган кундан бошлаб янги тариф бўйича ҳақ тўлашга мажбур.

Иссиқлик энергиясидан фойдаланиш қоидалари.

6. Уй-жой мулкдорлари ва ёлловчилари уй-жой фондини сақлаш ва таъмирлаш харажатларини тўлаш билан бир вақтда кўрсатилаётган коммунал хизматларнинг қийматини ҳам тўлайдилар.

25. Уй-жой мулкдорлари ёки уйни ёлловчилар коммунал хизматлар учун аванс тарзида (12 ойдан кўп бўлмаган даврга) ҳақ тўлаган бўлсалар, ушбу даврда тегишли тарифлар ошганидан қатъи назар қайта ҳисоб-китоб қилишдан озод этиладилар.

Ўзбекистон Республикаси шаҳарлари ва аҳоли яшайдиган пунктларида уй-жой фондини сақлаш ва таъмирлаш, коммунал хизматларни кўрсатиш билан боғлиқ бўлган харажатларни тўлаш тўғрисидаги низом.

5.6. Абонентлар билан ҳисоб-китоблар қуйидаги тартибда амалга оширилади:

саноат абонентлари ва уларга тенглаштирилган, турли шакллар ва мулкчиликдаги бошқа абонентлар билан белгиланган муддатдан якуний ҳисоб-китоб қилган ҳолда режали тўловлар тартибида;

қолган абонентлар билан (бундан кўчадаги сув олиш иншоотларидан сувдан фойдаланувчи фуқаролар мустасно) ВКХ корхонаси томонидан тўлов талабномалари тақдим этилганда ёки абонентларнинг ўзлари томонидан счётлар ёзилганда (ўзига ўзи хизмат кўрсатганда) – ойда икки мартагача;

кўчадаги сув олиш иншоотларидан сувдан фойдаланувчи фуқаролар билан, ВКХ корхонаси томонидан ҳокимликлар белгиланган муддатларда счётлар тақдим этилганда; агар фуқаролар ичиш мақсадларидаги яроқлилигини Давсанназорат органлари тасдиқлаган маҳаллий манбадаги сувдан фойдаланаётган бўлсалар, улар кўчадаги сув олиш иншоотларидаги сувдан фойдаланганлик учун тўловдан озод этилишлари мумкин. Маҳаллий манба ичиш мақсадлари учун яроқли бўлмаганда фуқаролар кўчадаги сув олиш иншоотларидаги сувдан фойдаланганлик учун тўловдан озод қилинмайдилар.

Ўзбекистон Республикасида коммунал сув таъминоти ва сувни чиқариб юбориш тизимларидан фойдаланиш қоидалари.

II. ХУДУДИЙ ГАЗ БИЛАН ТАЪМИНЛОВЧИ КОРХОНАЛАРДАН ОЛИНГАН ГАЗ УЧУН АҲОЛИНИНГ ЎЗАРО ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШИ

12. Аҳоли истеъмол қилинган газ ҳажми учун ҳисобга олиш асбоби кўрсаткичлари ёки тузилган шартномаларга ва ҳудудий газ билан таъминловчи корхона томонидан берилган абонент дафтарчасига мувофиқ белгиланган нормативлар бўйича ой тамом бўлгандан кейин 10 кун мобайнида ҳақ тўлайди.

13. Газ қийматида белгиланган муддатда қисман ёки тўлиқ ҳақ тўланмаган тақдирда, ҳудудий газ билан таъминловчи корхона 2 кун муддатда истеъмолчини ҳосил бўлган қарзни 10 кун муддатда тўлаш зарурлиги тўғрисида хабардор қилади.

14. Агар кўрсатилган муддатда истеъмолчи олинган газ қиймати учун ҳақ тўламаса, у газ таъминлаш тармоғидан узиб қўйилади. Истеъмолчидан дебиторлик қарзларини бундан кейин ундириб олиш ҳудудий газ билан таъминловчи корхона томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Табиий газ истеъмолчилари ва газ билан таъминловчи ташкилотлар ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоблар тартиби тўғрисидаги низом. 0

Мавзувий сонни Ирина ГРЕБЕНЮК олиб боради.

УЙДА ЯШАМАЙДИГАНЛАР УЧУН БАДАЛЛАР

Менинг қизим тадбиркорлик билан шуғулланмоқчи, шу муносабат билан уч хона-ли квартиранинг 2 хонасини нотурар жойлар тоифасига ўтказди. Ҳозир у болани парваришlash таътилида, нотурар жойдан ҳеч фойдаланмаяпти. Бироқ ХУМШ уй хўжалигини сақлаб туришга давлат фондининг ижарага олинган жойлари учун белгиланган ижара ҳақи ставкаларида бадал тўлашни талаб қиляпти, ушбу сумма эса мазкур ХУМШдаги бошқа уй-жой мулкдорлари учун белгиланганидан анча юқори. ХУМШ биздан ана шундай бадалларни ундиришга ҳақлими?

Вилет Габдулхакович.
Тошкент ш.



– Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат мулкни ижарага бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарори-га (8.04.2009 йил-даги 102-сон) муво-фиқ давлатнинг кўчмас мулкидан фойдаланганлик

учун белгиланадиган ижара ҳақи ставкаларини кўп квартиралар уй-жойдаги умумий мол-мулкни сақлаб туришга бадалларни белгилаш учун қўллаш қонунга ҳилофдир.

Кўп квартиралар уйдаги нотурар жойларнинг мулкдорлари гарчи хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатининг аъзолари бўлиб ҳисобланмасалар-да, бироқ ижарачи ҳам эмаслар, ХУМШга берилган кўп квартиралар уйнинг умумий мол-мулки эса давлатнинг кўчмас мулкига кирмайди. «Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги Қонуннинг (бундан кейин – ХУМШ тўғрисидаги Қонун) 6-моддасига мувофиқ улар худди уй-жой мулкдорлари сингари умумий мол-мулкка нисбатан улушли мулк иштирокчисидир, бинобарин, ХУМШ билан тузилган шартномага асосан умумий мол-мулкни сақлаб туриш бўйича умумий харажатларда уйнинг уму-

мий майдонидаги мулкдорнинг нотурар жой майдонига мутаносиб равишда иштирок этадилар. Намунавий шартнома Вазирлар Маҳкамасининг «Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатининг намунавий уставини ҳамда хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати билан кўп квартиралар уйдаги турар жойга мўлжалланмаган бино мулкдори ўртасидаги намунавий шартномани тасдиқлаш тўғрисида» қарори (30.05.2006 йилдаги 100-сон) билан тасдиқланган.

Кўрсатилган ҳужжатларнинг намуналарини сиз «Norma» АҚТ дастурий маҳсулотларида ва www.norma.uz сайтида топа оласиз.

Умумий йиғилишнинг қарорига асосан ширкат нотурар жойнинг мулкдоридан, агар унинг тадбиркорлик фаолияти умумий мол-мулкни сақлаб туришга ХУМШнинг қўшимча харажатларини тақозо этса, **умумий мол-мулкни сақлаб туриш харажатлари компенсациясини талаб қилишга ҳақлидир.** Ушбу талаб ҳужжат билан тасдиқланиши ва бажарилган ишлар далолатномалари, даромад ва харажатлар сметаларида (қўшимча суприб-сидириш, жорий таъмирлаш, овоз изоляцияси, вентиляция ва ҳоказолар учун) акс эттирилиши керак. Акс ҳолда бадаллар миқдори ширкат аъзолари учун белгиланганидек бўлиши керак.

Нотурар жой мулкдори билан ХУМШ ўртасидаги барча ихтилофлар суд тартибида ҳал қилиниши мумкин. ○

ОРТИҚЧА ЙЎЛ-ЙЎРИҚЛАРСИЗ

ХУМШнинг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан муносабатлари қандай амалга оширилади? ХУМШ, бошқарувчи компаниянинг бошқарув раисини қайта сайлашга фуқаролар йиғини оқсоқолининг (маҳалла кўмитаси раисининг) рухсати керакми? Биз, кўп квартиралар уйда яшовчилар, бир ХУМШ таркибидан чиқиб, бошқасига кирмоқчимиз, бироқ маҳалла кўмитасининг раиси қарши бўляпти. Биз нима қилишимиз керак?

«Эркин коммунал» ХУМШ аъзолари.
Тошкент ш.

– ХУМШ тўғрисидаги Қонуннинг 6-моддасида айтилишича, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ширкатлар билан ўзаро муносабатлари ширкатнинг ўз фао-

лиятини мустақил амалга оширувчи, уй-жой мулкдорлари ўзини ўзи бошқаришининг ҳақиқий институти сифатидаги мақомидан келиб чиқиб, ортиқча йўл-йўриқлар

кўрсатмаган ҳолда ташкил этилади. Ширкатлар ҳудудларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларининг ташкил этилиши, кўп квартиралар уйларда яшов-

Мавзуйий сонни Ирина ГРЕБЕНЮК олиб боради.

чиларнинг уй-жой фондида яшаш қоидаларига риоя этиши масалалари ҳамда биргаликда ҳал этишни талаб қиладиган бошқа масалаларда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорлик қилади.

Бундан келиб чиқадики, **ХУМШ** фаолиятининг барча ташкилий масалалари, шу жумладан ширкат ёки бошқарувчи компаниянинг бошқарувини сайлашни ҳам **ХУМШ** аъзолари мулкдорларнинг умумий йиғилишида мустақил равишда ҳал қиладилар, унда нотурар жойларнинг мулкдорлари ҳам ҳозир бўлишлари мумкин. Бунинг маъноси шуки, жойлардаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг рухсат беришлари ёки қабул қилинадиган қарорларни тасдиқлашларига зарурат йўқ. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг вакиллари умумий йиғилишга таклиф этилишлари мумкин, бироқ уларнинг истаклари тавсия тусида бўлиши керак. Уларнинг истак-хоҳишларини ҳисобга олиш лозим, зеро улар жамоат тартибини ўрнатиш, **ХУМШ**га бириктирилган ҳудудларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришда, шунингдек кам таъминланган фуқароларни қўллаб-қувватлашда етарлича ваколатга эгалар ҳамда уларга уй-жойни сақлаб туриш ва коммунал хизматларга ҳақ тўлашда ёрдам

беришлари мумкин.

Бутун уйнинг **бошқа ХУМШга ўтиши** қуйидагича ҳал қилинади.

ХУМШдан чиқиш масаласи сизнинг **ХУМШ** умумий йиғилишида муҳокама қилинади, бунда уй ва уйга туташ ҳудудни сақлаб туриш бўйича барча қарз мажбуриятларини кўриб чиқиш ҳамда ҳал қилиш, Фуқаролик кодексининг 49–51-моддаларига, «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Қонуннинг 20-моддасига, **ХУМШ** тўғрисидаги Қонуннинг 17-моддасига, Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларини давлат рўйхатига олиш тартиби ва ҳисобга қўйиш тўғрисидаги низомнинг (Президентнинг 10.02.2005 йилдаги ПҚ-3-сон қарорига 3-илова) 5-бандига мувофиқ бўлиш баланси ва топшириш далолатномасини тасдиқлаш лозим.

Бироқ шуни унутмаслик лозимки, бошқа **ХУМШ** сизни ўз аъзолигига қабул қилишга рози бўлиши керак, бу ҳам унинг аъзолари умумий йиғилишининг қарори билан расмийлаштирилиши лозим.

Ушбу иккала воқеа албатта ширкатларнинг таъсис ҳужжатларига ўзгартиришлар киритишни, тегишинча, шаҳар (туман) ҳокимликлари ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олувчи инстанцияларда қайта рўйхатдан ўтказишни тақозо этади, у ерга қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

қайта ташкил қилинадиган шир-



катларни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида гувоҳноманинг асл нусхаси (бўлиш ва қўшиб юборишда) ёки кўчирма нусхаси (ажратишда);

қайта ташкил этилаётган ширкатларнинг ҳамма кредиторларига нисбатан барча мажбуриятлари бўйича, шу жумладан тарафлар низолашаётган мажбуриятлар бўйича ҳуқуқий ворислик тўғрисидаги қоидаларни ўз ичига олган топшириш далолатномаси (қўшиб юборишда) ёки бўлиш баланси (бўлиш ва ажратишда);

ХУМШ тўғрисидаги Қонунга мувофиқ ҳар бир қайта ташкил этилаётган ширкатларнинг умумий йиғилишлари баённомаларидан (қўшиб юборишда) кўчирмалар ёки қайта ташкил этилаётган ширкат умумий йиғилишининг баённомасидан (бўлиш ёки ажратишда) кўчирмалар. ○

Телефон орқали саволларга эксперт-юристамиз Римма СОЛОДОВНИКОВА жавоб бери.



Истеъмомолчи ҳуқуқи — устувор

ҲИСОБЛАГИЧ ТАМҒАСИ БУЗИЛМАГАН ЭКАН

Хоразм вилоят Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш бошқармасига Қўшқўпир тумани Хадра қишлоғида истиқомат қилувчи Юлдаш Маҳмудов Қўшқўпир ТЭТ томонидан электр ҳисоблагичини нотўғри ишлаб турган деб топиб, назоратчи М.Отаев томонидан далолатнома тузилгани ва 1 339 777 сўм миқдорида қарздорлик ҳисобланганидан норози бўлиб ариза ёзган.

Аризада қайд қилинган ҳолатлар юзасидан Қўшқўпир ТЭТ ходимлари иштирокида ўтказилган ўрганишда аризачининг электр ҳисоблагичининг давлат тамғаси бузилмаганлиги, ойнаси синмаганлиги, ҳисобга олиш ускунасидан ташқари электр қабул қилгичлар уланмаганлиги ёки электр энергияси бошқача усулда ўғирланган ҳоллар йўқлиги ёки

истеъмомолчи томонидан таъсир кўрсатиб тўхтатиб қўйилмаганлиги маълум бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 22 августдаги «Электр ва иссиқлик энергиясидан фойдаланиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 245-сонли қарорида «Ҳисобга олиш прибори истеъмомолчининг айби билан



Мавзувий сонни Ирина ГРЕБЕНЮК олиб боради.

бузилган (пломбаси бузилган, ойнаси синган ва шу кабилар) ҳисобга олиш приборини ишга тушириш схемаси ўзгарган, ҳисобга олиш приборидан ташқари электр қабул қилгичлар уланган ёки электр энергияси бошқача усулда ўғирланган ҳолатларда, ҳудудий электр тармоқлари корхонаси истеъмолчини электр тармоғидан узиб қўйишга ҳақлидир ва ҳисобга олинган приборлари охириги марта ўзгартирилган ёки уларни улаш схемаси текширилган кундан бошлаб бутун ўтган, аммо даъво муддатидан кўп бўлмаган давр учун электр қабул қилгичларнинг уланган қуввати ва истеъмолчининг электр таъминоти шартномасида кўрсатилган ишлаш соатлари бўйича энергия сарфини қайта ҳисоблаб чиқиши шарт. Бунда ҳисобга олиш прибори кўрсаткичини ёзиб олиш улаш схемасини текшириш деб ҳисобланмайди» деб белгилаб ўтилган.

Мазкур қарорда «Электр энергиясидан фойдаланишда истеъмолчи томонидан йўл қўйилган қоидабузишлар туман электр тармоқлари корхонасининг вакиллари ва маиший истеъмолчи томонидан имзоланган икки нусхадаги қўшма далолатнома билан расмийлаштирилади, унинг бир нусхаси истеъмолчига берилади ва айни бир вақтда ушбу қоидаларни бузган истеъмолчининг электр

қурилмалари тармоқдан узиб қўйилади», деб қайд қилинган.

Ариза юзасидан ўтказилган ўрганиш натижасида туман электр тармоқлари томонидан 1 309 777 сўм қайта ҳисоб-китоб қилиниб, ариза муаллифи Юлдаш Маҳмудовнинг манфаати ҳимоя қилинди.

Шунингдек, Хива тумани, Янгиобод шаҳарчаси Қ.Маткаримов кўчасида истиқомат қилувчи фуқаро У.Жуманиязовнинг «Хиватумангаз» филиали томонидан ҳисобланган қарздорликдан норози бўлиб ёзган шикоят аризаси ўрганилганда, 2009 йилда «Хиватумангаз» филиали назоратчиси Қ.Султоновнинг лоқайдлиги туфайли аризачига амалда фойдаланилмаган табиий газ учун 55 701 метр куб, яъни 2 096 390,97 сўм нотўғри юклама юкланганлиги аниқланиб, шахсий абонент варағига қайта ҳисоб-китоб қилинди.

Бундан ташқари, аризачи 2011 йилнинг август ойида истеъмол қилинган табиий газ учун 200 000 сўмлик тўловни амалга оширганлиги сабабли, 2011 йил 19 август ҳолатида «Хиватумангаз» филиалидан табиий газ учун 3 824 метр куб, яъни 305 537,6 сўм миқдоридаги ошиқча тўлов мавжудлиги маълум бўлди ва шу сумма қайта ҳисоб-китоб қилинди. ●

ЗЎРМА-ЗЎРАКИ ҚАРЗДОРЛИК

Кува тумани газ тарқатиш идораси ходимлари охириги пайтларда «зангори олов» учун тўловларни ҳисоб-китоб қилишда негадир тез-тез ўз фойдаларига «адашиб» кетадиган бўлиб қолишди. Ана шу тариқа биргина Қўшкечик қишлоғида яшовчи Т.Эҳсоновнинг бўйнига 667 240 сўмлик, О.Ҳожиматовнинг гарданига 749 178 сўмлик сунъий қарзни илиб қўйишди.

Н.Отабоевдан эса бундан-да кўпроқ — 898 373 сўм миқдорида ортиқча пул тўлашни талаб қилишди. Табиийки, «зўрма-зўраки қарздорлар» кутилмаган, ноҳақликка чидай олишмади. Бор гапни қоғозга тушириб, туман Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятига мурожаат қилишди. Жамият ходимлари уларнинг аризаларини қонунан ҳал этиш учун газ тарқатиш идораси ҳуқуқшуноси ва назоратчиси иштирокида ўрганиш ишларини олиб боришди. Натижада шикоятчиларнинг ҳақлиги исботланиб, ортиқча ҳисобланган тўловлар бекор қилинди.

Эҳтимол, сиз «Иш бор жойда хато ҳам бўлади. Шундай экан, атиги учтагина, ноқонуний далилни рўқач қилиб, ваҳима кўтариш шартми?» дерсиз. У ҳолда жорий йилнинг 9 ойи давомида жамиятга турли соҳалар бўйича тушган аризаларнинг ярмидан ортиғини, яъни роппа-роса 22 тасини газ таъминотида тааллуқли шикоятлар ташкил этганини қандай баҳолайсиз? Аризаларда баён этилган, ноҳақликлар бартараф этилгунга қадар истеъмолчилар беҳуда изтироб чекиб, идорама-идора овора-ю сарсон бўлишганини-ю, ўрганиш ўтказиш учун қанчадан-

қанча вақт сарфланганини нима билан оқлайсиз?..

— Албатта, бундай нохушликлар келиб чиқмаслиги учун истеъмолчилар ҳам зийрак бўлишлари, ўз ҳақ-ҳуқуқларини яхши билиб олишлари лозим, — дейди туман жамиятининг ҳуқуқий ҳимоя ва ахборот бўйича бош мутахассиси А.Ҳамидов. — Биз шуни назарда тутиб, аҳоли ўртасида мунтазам равишда тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб боряпмиз. Чунончи, йил бошидан ҳозиргача турли жойларда 20 марта давра суҳбати ўтказдик, 4 та ўқув-семинар уюштирдик.

Дарвоқе, бу тадбирларда жамиятнинг жойлардаги 136 та таянч гуруҳига бириккан 6 787 нафар аъзоси фаол қатнашяпти. Улар эзгу мақсадда амалга ошираётган ишлар ижобий натижасини бераяпти.

Жорий йилнинг ўтган даврида савдо, алоқа, газ ҳамда электр таъминоти ва бошқа соҳалар бўйича тушган 42 та мурожаатни ўрганиш ниҳоясида истеъмолчилар фойдасига 36 миллион сўмга яқин маблағ ундириб берилди ва уларнинг қонуний ҳақ-ҳуқуқлари тикланди. ●

Материаллар www.istemolchi.uz сайтидан олинди.

Мавзувий сонни Ирина ГРЕБЕНЮК олиб боради.



ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМИНИНГ ҚАРОРИ

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ДАВЛАТ КЎЧМАС МУЛКИДАН ФОЙДАЛАНГАНЛИК УЧУН 2012 ЙИЛДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН ИЖАРА ТЎЛОВИНИНГ ЭНГ КАМ СТАВКАЛАРИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, Молия ва Иқтисодиёт вазирликлари билан келишилган 2011 йил 14 декабрдаги 01/16-703, СГ-2-1/7-4029 ва ТГ/08-01-32-14/791-сонли ижара тўловининг энг кам ставкалари Тошкент шаҳар ҳокимлигининг капитал қурилиш, коммунал хўжалиги, ободонлаштириш, саноат ва тадбиркорлик масалалари бўйича мажмуаси томонидан ўрганиб чиқилганлигини инобатга олиб, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 8 апрелдаги «Давлат мулкини ижарага бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 102-сонли қарорининг 3-банди ва «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 24-моддасига мувофиқ **қарор қиламан:**

1. Тошкент шаҳридаги давлат кўчмас мулкидан фойдаланганлик учун 2012 йилнинг 1 январидан қўлланиладиган ижара тўловининг энг кам ставкалари 1-иловага, ижара ҳақини ҳисоблаш тартиби 2-иловага, ижара ҳақини ҳисоблашда давлат объектларига қўшимча коэффициент қўлланиладиган Тошкент шаҳрининг марказий қатнов кўчалари рўйхати 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. «Тошкент шаҳар давлат мулкини ижарага бериш маркази» давлат корхонаси (Ш.М.Собиров): Ижара ҳақи қийматини белгилашда 1-иловада кўрсатилган кўчмас мулк учун қўлланиладиган энг кам ставкалардан таянч сифатида фойдаланилсин.

2.1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 30 ноябрдаги «Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат мулкини ижарага бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2009 йил 8 апрелдаги 102-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги 315-сонли қарорига илованинг 1-банди «в» кичик бандига мувофиқ давлат мулки бўлган бинолар ва хоналарда жойлашган бюджет ташкилотлари учун ижара тўловининг ноль ставкаси қўлланилиши белгиланганлиги инобатга олинсин.

3. Белгилаб қўйилсинки, Давлат мулкини балансида сақловчиларнинг мансабдор шахслари уларнинг тасарруфида бўлган фойдаланилмаётган давлат мулки тўғрисидаги маълумотларни «Тошкент шаҳар давлат мулкини ижарага бериш маркази» давлат корхонасига ўз вақтида, тўлиқ ва ишончли берилиши учун шахсан жавоб берадилар.

4. Мазкур қарор Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг навбатдаги сессиясига тасдиқлаш учун киритилсин.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Б.С.Рахмонов зиммасига юклатилсин.

**Тошкент шаҳар ҳокими
вазифасини бажарувчи
Р.УСМАНОВ.**

Тошкент ш.,
2011 йил 31 декабрь
851-сон.

**ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ДАВЛАТ КЎЧМАС МУЛКИДАН
ФОЙДАЛАНГАНЛИК УЧУН 2012 ЙИЛДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН
ИЖАРА ТЎЛОВИНИНГ ЭНГ КАМ СТАВКАЛАРИ**

Т/р	Фаолият тури код'и (ХТУТ)	Ижарачиларнинг фаолият тури	Бир йиллик энг кам ставкаси 1 кв.м/сўм
САНОАТ			
1	13 100	Кимё саноати	2 200
2	13 300	Нефть-кимё саноати	2 200
3	14 100	Машинасозлик	2 200
4	14 200	Станоклар ясаш ва асбобсозлик саноати	2 200
5	14 300	Ҳисоблаш техника воситалари саноати	2 200
6	14 400	Трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги	1 600
7	14 500	Қурилиш, йўл ва коммунал машинасозлиги	1 600
8	14 600	Енгил, озиқ-овқат саноати учун ва маиший асбоблар машинасозлиги	1 600
9	14 710	Санитар-техник ва газ жиҳозларини ва маҳсулотларини ишлаб чиқариш	2 200
10	14 800	Металл конструкцияларини ва жиҳозларини ишлаб чиқариш	2 200
11	14 900	Машина ва жиҳозларни таъмирлаш	2 200
12	14 780	Машинасозликнинг бошқа тармоқлари	2 200
ЎРМОНЧИЛИК, ЁҒОЧНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ВА ЦЕЛЛЮЛОЗА-ҚОҒОЗ САНОАТИ			
13	15 100	Ёғоч тайёрлаш саноати	2 200
14	15 200	Ёғочни қайта ишлаш саноати	2 200
15	15 300	Целлюлоза-қоғоз саноати	2 200
16	16 100	Қурилиш материаллари саноати	2 200
ЕНГИЛ САНОАТ			
17	17 100	Тўқимачилик саноати	2 200
18	17 200	Тикувчилик саноати	2 200
19	17 300	Тери, мўйна ва пойабзал саноати	2 200
20	17 900	Енгил саноатнинг бошқа ишлаб чиқариш тармоқлари	2 200
ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ			
21	18 100	Озиқ-овқат таъми саноати (балиқ, гўшт, ёғ-пишлоқ ва сут саноатидан ташқари)	2 200
22	18 200	Гўшт ва сут саноати	2 200
23	18 300	Балиқчилик саноати	2 200
24	19 200	Ун-ёрма саноати	2 200
25	19 220	Комбикорм саноати	1 600
26	19 700	Саноатининг бошқа тармоқлари	2 200
САНОАТНИНГ БОШҚА ТАРМОҚЛАРИ			
27	19 300	Тиббиёт асбоблари саноати	2 200
28	19 400	Полиграфия саноати	7 000
29	19 740	Кимёвий тозалаш, бўяш, кирни ва бошқа газлама маҳсулотларини ювиш ва қайта ишлаш	2 200
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ			
30	21 100	Ўсимликшунослик (жумладан иссиқхона хўжалиги) 1 га	1 400 000
31	21 200	Чорвачилик	1 600
32	21 300	Балиқ етиштириш	1 600
33	22 200	Ветеринария хизмати	2 200
ТРАНСПОРТ ВА АЛОҚА			
34	51 111	Оммавий ер усти темир йўл транспорт воситалар	5 500
35	51 121	Транспорт инфраструктураси (автопарк, таксопарк, автомобиллар тўхташ жойи, гаражлар, автомобиллар ювиш шохобчалари)	5 500
36	52 100	Почта алоқаси	4 500
37	52 200	Курьер алоқаси	5 500
38	52 300	Электро-, радио-, уяли ва пейжинг алоқаси	15 000
ҚУРИЛИШ			
39	60 000	Қурилиш	4 000
40	66 000	Лойиҳа, лойиҳа-қидирув ташкилотлари	4 000
САВДО ВА УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ			
41	71 100	Улгуржи савдо	8 500
42	71 200	Чакана савдо	13 000

<i>T/p</i>	<i>Фаолият тури коди (ХТУТ)</i>	<i>Ижарачиларнинг фаолият тури</i>	<i>Бир йиллик энг кам ставки 1 кв.м/сўм</i>
43	71 300	Умумий овқатланиш	8 500
44	71 200	Китоб дўконлари	1 000
45	71 400	Маданий-маиший мақсадларда ва хўжалик мақсадларида ишлатиладиган буюмларни ижарага бериш	8 500
46	71 500	Халқ истеъмоли моллари савдосида воситачилик	13 000
47	80 000	Моддий техника таъминоти ва савдоси	8 500
48	82 000	Информацион-ҳисоблаш бўйича хизматлар кўрсатиш	9 500
49	82 100	Интернет ва компьютер тармоғи бўйича хизматлар кўрсатиш	9 500
50	82 100	Кўчмас мулк билан	9 500
51	84 300	Реклама, вакиллик хизматлари	8 500
52	84 400	Аудиторлик фаолияти	8 500
53	84 500	Маркетинг тадқиқот, тижорат, молия ва бошқарув масалалари бўйича маслаҳат хизматлари	8 500
54	87 100	Таҳририят ва нашриётлар	4 500
55	87 300	Металлолом ва иккиламчи хом ашёни йиғиш ва тайёрлаш	4 500
56	90 100	Уй-жой хўжалиги (ХУЖМШ объектлари)	4 500
57	90 220	Меҳмонхона хўжалиги	10 000
58	90 300	Аҳолига маиший хизмат кўрсатишнинг ноишлаб чиқариш турлари	5 500
59	90 300	Сартарошхона, суратхона, модалар ательеси, пойабзал тузатиш	7 000
60	90 300	Ломбардлар	9 500
61	90 300	Ҳаммомлар	15 000
62		Сауналар	30 000
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ, ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА ИЖТИМОИЙ ТАЪМИНОТ			
63	91 510	Соғлиқни сақлаш	7 000
64	91 600	Дам олиш ва туризм	7 000
65	91 611	Маданий кўнгилочар марказлар	9 000
66	91 700	Жисмоний тарбия ва спорт	3 000
67	71 212	Дорихона муассасалари*, оптика ва тиббиёт жиҳозлари савдо дўконлари	7 000
ТАЪЛИМ			
68	92 100	Юқори ва ўрта таълим бўйича кадрларни тайёрлаш (ўқув курсларини киритган ҳолда)	6 000
69	92 200	Ишчи ва бошқа хизматчиларни тайёрлаш ва малакасини ошириш	6 000
70	92 310	Умумтаълим болалар мактаби (нодавлат таълим муассасалари учун)	2 500
71		Таълим ўқув муассасаларида умумий овқатланишни ташкиллаштириш (ошхона ва ёрдамчи хоналари билан бирга)	4 000
72	92 400	Мактабгача тарбия (нодавлат таълим муассасалари учун)	2 500
73	93 000	Маданият ва санъат	13 000
74	93 132	Кўргазмалар	7 000
75	93 160	Маданият ва дам олиш боғлари	6 000
76	93 170	Ботаника ва ҳайвонот боғлари	6 000
77	93 620	Киностудиялар ва овоз ёзиш студиялари	22 000
78	95 000	Илм-фан ва илм-фан хизматлари	4 000
МОЛИЯ-КРЕДИТ ФАОЛИЯТИ			
79	96 000	Молия, кредит (суғурталаш ва аудиторлик фаолиятидан ташқари) нафақа таъминоти	8 500
80	96 100	Банк фаолияти	13 000
ФАОЛИЯТНИНГ БОШҚА ТУРЛАРИ			
81	96 200	Суғурталаш	8 500
82	97 800	Суд ва адлия муассасалари	5 500
83	97 820	Адвокатлар коллегияси ва маслаҳатхоналари	5 500
84	98 000	Жамоат бирлашмалари	2 200
85	80 200	Омборхоналар	8 500
86		Давлат мулкни давлат ташкилотларига офис учун ижарага бериш	4 000
87		Мулкни хусусий ташкилотларга офис учун ижарага бериш	15 000
88		Автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчалари	8 500
89		Енгил автомобиллар ва бошқа транспорт воситаларини таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш	8 500
90		Ер ва тупроқ хусусиятлари тадқиқот лабораториялари	4 000
91		Нон-булочка маҳсулотларини ишлаб чиқариш	8 500

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 30 июндаги 07/10-41-сонли Йиғилиш баённомасининг 11-бандига асосан ҚТП қошида фаолият юритаётган барча эгаликдаги дорихона муассасалари учун давлат кўчмас мулкдан фойдаланганлик учун ноль қийматдаги ижара ҳақи қўлланилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 11 ноябрдаги 02/12-57-сонли топшириғига асосан Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги савдо бошқармасининг таркибий бўлинмаларига ёпиқ ҳарбий

шаҳарчалар ва узоқ манзилларда жойлашган гарнизонларда давлат кўчмас мулкидан фойдаланганлик учун қўлланиладиган ижара тўловининг энг кам ставкалари 50 фоизга камайтирилади.

Қарорга
2-ИЛОВА

ИЖАРА ҲАҚИНИ ҲИСОБЛАШ ТАРТИБИ

Ижара ҳақи ставкаларига қўлланиладиган оширувчи коэффициентлар:

1. Худудий зоналар коэффициенти – Кз. (Тошкент шаҳар ҳокимининг 2010 йил 25 январдаги 41-сонли қарорида белгиланган чегараларга асосан)

– 1-зона – 1.0;	– 6-зона – 2.66;	– 11-зона – 3.73;
– 2-зона – 1.22;	– 7-зона – 2.80;	– 12-зона – 3.93;
– 3-зона – 1.73;	– 8-зона – 2.95;	– 13-зона – 4.11;
– 4-зона – 1.88;	– 9-зона – 3.24;	– 14-зона – 4.37.
– 5-зона – 2.12;	– 10-зона – 3.49;	

2. Бинонинг жойлашуви ва қурилиш турига кўра қўлланиладиган коэффициенти:

2.1. Бинонинг қурилиш тури бўйича (Кк):

алоҳида турган бино – 1.0;

бинонинг ички қисмида жойлашган ва тақаб қурилган – 0.8;

ярим ертўла, ертўла – 0.6;

чердак, болхона – 0.5.

2.2. Туташган худудидан фойдаланиш коэффициенти (Кх) ер майдони мавжуд бўлганда – 0.3.

2.3. Тижорат мақсадида фойдаланишда қулайлиги (Кт): метро станциясидан 200 метр радиус атрофида – 0.7; асосий қатнов кўчаларида жойлашгани – 0.6 (3-иловага мувофиқ);

иккинчи даражали қатнов кўчаларида жойлашгани – 0.5.

Бинолар ва иншоотлар бўйича ижара тўловини (ижара тўловининг таянч ставкаси) ҳисоблаб чиқиш қуйидаги тарзда аниқланади:

$$T_c = \text{Эс} \times K_z \times (K_k + K_h + K_o)$$

бунда: Тс – бир йилга 1 кв.м учун ижара тўловининг таянч ставкаси;

Эс – 1-иловага мувофиқ корхонанинг фаолият турига кўра бир йилга 1 кв.м учун энг кам ставка.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Бинолардан фойдаланиш департаменти тасарруфидаги объектлар бўйича Департамент ва ижарачи ўртасида тузиладиган икки томонлама шартномаларда, маъмурий бинолар фондиди таъмирлаш учун, ижара тўловидан қўшимча 30 фоиз миқдорда тўловлар киритилади.

Қарорга
3-ИЛОВА

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ МАРКАЗИЙ КЎЧАЛАР РЎЙХАТИ

Абдулла Қодирий кўчаси

А.Хўжаев кўчаси

Абдурзуф Фитрат кўчаси

Амир Темур

шоҳкўчаси

Асака кўчаси

Афросиёб кўчаси

Аҳмад Дониш кўчаси

Аэропорт худуди

Олмазор кўчаси

Беруний кўчаси

Шимолий Олмазор кўчаси

Бобур кўчаси

Боғишамол кўчаси

Бодомзор йўли кўчаси

Бунёдкор шоҳкўчаси

Бухоро кўчаси

Буюк ипак йўли кўчаси

Буюк Турон кўчаси

Гавҳар кўчаси

Ифтихор кўчаси

Себзор кўчаси

Дархон кўчаси

Заргарлик кўчаси

Зарқайнар кўчаси

Бешқайрағоч кўчаси

Зулфияхоним кўчаси

Истикбол кўчаси

Истиқлол кўчаси

Қатортол кўчаси

Кичик ҳалқа

йўли кўчаси

Қорасарой кўчаси

Қорасув кўчаси

Локомотив кўчаси

Лутфий кўчаси

Маннон Уйғур кўчаси

Мирзо Улуғбек кўчаси

Муҳаммад Юсуф кўчаси

Матбуотчилар кўчаси

Янги Юнусобод кўчаси

Мирза Ҳайдар кўчаси

Миробод кўчаси

Муқимий кўчаси

Янгишаҳар кўчаси

Мустақиллик майдони

Мустақиллик шоҳкўчаси

Мухтор Ашрафий кўчаси

Навоий кўчаси

Назарбек кўчаси

Нукус кўчаси

Ойбек кўчаси

Оққўрғон кўчаси

Оқтепа майдони

Осиё кўчаси

Отатурк кўчаси

Паркент кўчаси

Сағбон кўчаси

Зиё кўчаси

Самарқанд Дарвоза кўчаси

Катта Хирмонтена кўчаси

Содиқ Азимов кўчаси

Бешёғоч кўчаси

Талабалар кўчаси

Тараққиёт кўчаси

Тарас Шевченко кўчаси

Темур Малик кўчаси

Туркистон кўчаси

Ўзбекистон шоҳкўчаси

Шайхонтоҳур кўчаси

Уста Ширин кўчаси

Шўртепа кўчаси

Фарғона йўли кўчаси

Форобий кўчаси

Фарҳод кўчаси

Фурқат кўчаси

Хуршид кўчаси

А.Чехов кўчаси

Чилонзор кўчаси

Чимкент йўли

Чоштепа кўчаси

Чўпонота кўчаси

Рашидов кўчаси

Шастри кўчаси

Шахрисабз кўчаси

Шота Руставели кўчаси

Юнус Ражабий кўчаси

Янги Сергели кўчаси

Яҳё Фуломов кўчаси

Мехнат шартномаси бекор қилинганидан кейин ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун мехнат ҳуқуқ инспекциясига ариза беришнинг бирор-бир муддатлари бор-йўқлигини билмоқчи эдим. Мен фирмада ишлаганман, 2011 йил ноябри бошларида ишдан бўшадим, бироқ ҳисоб-китоб пулини олмадим. Мехнат шартномаси бекор қилинганидан кейин сиз билан тўлиқ ҳисоб-китоб қиламиз деб қуруқ ваъда бериб келадилар, бироқ ҳозиргача ҳеч нарса тўлашмади.

Андрей, фирма менежери.

МЕХНАТ ИНСПЕКЦИЯСИГА ИСТАЛГАН ВАҚТДА МУРОЖААТ ҚИЛИШИНГИЗ МУМКИН

Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг Давлат мехнат ҳуқуқ инспекциясига (бундан кейин – Инспекция) мурожаат қилиш учун муддат мехнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан белгиланмаган.

Ўзига юкланган вазифалар ва ҳуқуқларга мувофиқ (Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг Давлат мехнат ҳуқуқ инспекцияси тўғрисидаги низом¹, бундан кейин – Низом) Инспекция фуқароларнинг мехнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш борасидаги мурожаатларини кўриб чиқади.


Ҳуқуқбузарлик ҳоллари аниқланган тақдирда Инспекция уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва имкон

яратган шарт-шароитларни бартараф этиш учун ҳуқуқий таъсир чораларини кўради (Низомнинг 7.2-банди).

Мехнат шартномаси бекор қилинганда ходимга тегишли бўлган иш ҳақи берилишини тўхтатиб қўйиш мехнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш сифатида баҳоланади ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 49-моддасига мувофиқ мансабдор шахсларга ЭКИХнинг 2 бараваридан 5 бараваригача миқдорда жарима солиш кўринишидаги жавобгарликка олиб келади.

Шу тариқа, сиз мехнатга оид ҳуқуқларингизни ҳимоя қилиш учун исталган вақтда Инспекцияга мурожаат қилишингиз мумкин.

¹ВМнинг 19.02.2010 йилдаги «Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг мехнат, аҳолини иш билан таъминлаш, ногиронларни ижтимоий муҳофаза қилиш ва мехнатни муҳофаза қилишга доир қонун ҳужжатларига риоя этилишини назорат қилиш фаолиятини такомиллаштириш юзасидан ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида» 29-сон қарорига 2-илова.



Ходим иш берувчи билан келишган ҳолда ой бошидан бошлаб, ўзининг асосий ишидан ташқари вақтинча ишда бўлмаган ходимнинг вазифаларини ҳам бажара бошлади. Тегишли буйруқ чиқарилди.

Бир ҳафтадан кейин у мехнат дафтарчасига бошқа ишда ҳам ишлаётганлиги тўғрисидаги ёзувни қайд этишни илтимос қилди. Аризани иш берувчи менга, кадрлар бўлимига юборди. Биз ўриндошлик тўғрисида ёзувни мехнат дафтарчасига киритишга мажбурмизми?

Кадрлар бўлими бошлиғи.

БИР НЕЧА ИШДА ИШЛАШНИ ЎРИНДОШЛИК БИЛАН АДАШТИРМАНГ

Мехнат кодекси (бундан кейин – МК) 81-моддасининг учинчи қисмига мувофиқ иш берувчи мехнат дафтарчасига ишга қабул қилиш, бошқа доимий ишга ўтказиш ва мехнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги маълумотларни ёзиши шарт. Ходимнинг илтимосига кўра мехнат дафтарчасига ўриндошлик асосида ишлаган ва вақтинча бошқа ишга ўтказилган даврлар ҳақидаги ёзув киритилади.

Мехнат дафтарчаларига ёзув-

лар қайд этиш тартибини белгилайдиган асосий меъёрий ҳужжат бўлиб Мехнат дафтарчаларини юритиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома (АВ томонидан 29.01.1998 йилда 402-сон билан рўйхатдан ўтказилган, бундан кейин – Йўриқнома) ҳисобланади.

Бироқ МКда ҳам, Йўриқномада ҳам мехнат дафтарчасига бир неча касбда ишлаш (бошқа касб (лавозим) бўйича қўшимча ишда ишлаш) тўғрисида ёзувни киритиш назарда тутилмаган.

ИШДАН БЎШАТИШГА ОЛИБ КЕЛАДИГАН ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР

Мехнат вазифаларини қай йўсинда бузганлик ходимни ишдан бўшатиш мумкин бўлган бир марталик кўпол бузишга киритилади?

Корхона раҳбари.

– Ходимнинг ўз мехнат вазифаларини бир марта кўпол равишда бузганлиги (МК 100-моддаси иккинчи қисмининг 4-банди) ходим билан мехнат шартномасини, у бунгача интизомий жазо олган-олмаганлигидан қатъи назар, бекор қилиш учун етарли асос ҳисобланади.

Бунда, Олий суд Пленумининг 17.04.1998 йилдаги 12-сон қарори 34-бандига кўра, **ходим ўз вазифаларини бир марта кўпол равишда бузганлиги учун мехнат шартномасининг бекор қилинишига фақатгина** бу ножўя хатти-ҳаракатлар:

корхона раҳбарига нисбатан – корхона мулкдори (ваколатли органи) билан корхона раҳбари ўртасида тузилган мехнат шартномасида;

интизом ҳақидаги низом ва уставлар татбиқ этилувчи айрим тоифадаги ходимларга нисбатан – интизом ҳақидаги тегишли низом ва уставларда;

бошқа барча ходимларга нисбатан – корхонанинг ички мехнат тартиби қоидаларида аниқ кўрсатиб ўтилган ҳолдагина **йўл қўйилишига** эътиборни қаратиш лозим.

Идоравий мансублиги, мулкчилик ва ҳўжалик юритиш шаклларида қатъи назар корхона, муассаса, ташкилот ички мехнат тартибининг намунавий қоидалари (АВ томонидан 14.06.1999 йилда 746-сон билан рўйхатдан ўтказилган, бундан кейин – Қоидалар) 2.38-бандида **мехнат вазифаларини бир марта бузганлик учун ходим билан мехнат шартномасини бекор қилиш мумкин бўлган кўпол бузишлар рўйхати** бе-

рилган. Уларга қуйидагилар киритилади:

ижро интизомини бузиш (Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, фармойишлари ва топшириқларида, Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари ва фармойишларида, юқори орган, ҳокимлик ва иш берувчининг қарорларида қўйилган вазифаларни амалга оширишни ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда таъминламаганлик);

ишга узрсиз сабаблар билан чиқмаслик (ишда узрсиз сабаблар билан иш куни мобайнида узлуксиз ёки вақти-вақти билан жами ____ соатдан кўпроқ бўлмаганлик);

ишга алкоғолли ичимликлар, гиёҳвандлик ёки заҳарвандлик воситаларини истеъмол қилиб келиш, буни гувоҳларнинг кўрсатмалари ёки тиббий хулоса тасдиқлаган бўлса;

иш жойида корхонанинг мол-мулкни ўғирлашни содир этиш, буни гувоҳлар тасдиқлаган бўлса; тарбиячилик вазифаларини бажараётган ходимнинг мазкур ишда ишлашни давом эттириши мумкин бўлмаган ғайриаҳолий иш-ҳаракатни содир этиши;

корхона ходимларининг, шу жумладан, тартиббузарнинг ҳам ҳаёти ёки соғлиғига хавф туғдирадиган тарзда хавфсизлик техникасини, ишлаб чиқариш технологиясини кўпол равишда бузиш;

ходим томонидан мехнат мажбуриятлари бузилиб, Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш ҳақининг ____ баравар ҳажмида моддий зарар ет-



казилиши;

махфийлиги мехнат шартномасида шарт қилиб қўйилган тижорат сирининг ходим томонидан ошкор қилиниши;

бевосита пул ёки товар бойликларида хизмат кўрсатадиган ходим томонидан айбли хатти-ҳаракатлар содир этилиши, агар бу хатти-ҳаракатлар иш берувчи томонидан унга нисбатан ишончнинг йўқолиши учун асос бўлса.

Бунда **ходим билан мехнат шартномасини мазкур асослар бўйича бекор қилишга**, агар корхонада ички мехнат тартиби қоидалари мавжуд бўлмаса, қонун (МКнинг 174-моддаси) билан белгиланган уларни тасдиқлаш тартиби бузилса, ёки ички мехнат тартиби қоидаларида бир марта содир этганлик учун ходим билан мехнат муносабатларини бекор қилиш мумкин бўлган мехнат вазифаларини кўпол бузишлар рўйхати келтирилмаган бўлса, **йўл қўйилмайди**.

Шу тариқа, юқорида айтилган меъёрлар маъносидан келиб чиқилса, **мехнат шартномасини бекор қилишга олиб келадиган, ходимнинг ўз мехнат вазифаларини бир марта кўпол равишда бузишларининг рўйхати иш берувчи томонидан мустақил равишда локал даражада – корхонанинг ички мехнат тартиби қоидаларида**, унинг ўзига хос жиҳатларига боғлиқ ҳолда, **ишлаб чиқилади** (МК 100-моддасининг учинчи қисми).

ДОИМИЙ ТУСДАГИ ВАҚТИНЧА ЎТКАЗИШ

Фирмамизда доимий равишда ходимларни бошқа ишларга ўтказадилар. Ишлаб чиқариш заруратида кўра бошқа ишга вақтинча ўтказиш бўйича бирор-бир чеклашлар борми?

С.Абдувоҳидов.

– МКнинг 95-моддасида локал даражада, яъни муайян корхонада белгиланган ҳолларда **ишлаб чиқариш зарурияти** ёки бекор туриб қолиниши **муносабати билан ходимни унинг розилигисиз иш берувчининг ташаббуси билан вақтинча бошқа ишга ўтказиш** имконияти назарда тутилган.

Бундай ҳолда ходим соғлиғига тўғри келмайдиган бошқа ишга ўтказилиши мумкин эмас.



Бошқа ишга ўтказиш муддатининг чегараси, мехнатга тўланадиган ҳақнинг аниқ миқдорлари, шунингдек ишлаб чиқариш зарурияти деб

ҳисобланадиган ҳолатлар жаммоа шартномасида кўрсатилади, агар у тузилмаган бўлса, – иш берувчи томонидан ходимларнинг вакиллик органи билан келишиб белгиланади.

Ходим вақтинча бошқа ишга ўтказилган даврда унга бажараётган ишига қараб, лекин аввалги ўртача иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда иш ҳақи тўланади.

Бинобарин, ўтказишлар сони қонун билан чекланмаган. Шу боис, буйруқда кўрсатилган истисно тартибидеги тегишли сабаб бўлгандагина бундай ўтказиш такрорланиши мумкин. Агар ўтказиш белгиланган талабларга мувофиқ амалга оширилган ва ходимда ундан бош тортиш учун узрли сабаблар бўлмаса, ходим бундай ўтказишдан бош торта олмайди.

Асли япон миллатига мансуб америкалик физик Мичио Каку Олам торлари (иплари) назарияси тузилишини замонавий тарзда тушуниш йўналишидаги фундаментал илмий иш муаллифларидан бири сифатида танилган. 2009 йили «Мумкин бўлмаган нарсаси физикаси» китобини нашр этиб, унда муаллиф яқин йиллар ва ўн йилликларда инсоният мулкига айланадиган технологияларни башорат қилиб, чинакам футуролог сифатида намоён бўлди.

Китоб тез кунда қўлма-қўл бўлиб кетди, аввалгидек Нью-Йорк университетида физика профессори лавозимида ишлаб келаётган Каку эса нуфузли эксперт сифатида донг таратди, илмий нашрлар унга турли башоратлар учун мурожаат эта бошладилар. У ўтган йили баҳорда навбатдаги туркум башоратларини баён этиб, башариятнинг яқин ўн йилликлардаги истиқболи ҳақида сўз юритиб, илмий доираларда бир йўла бир неча қўламдор баҳс-мунозараларга туртки берди. Бир қанча таниқли нашрлар илм-фан ва технологияларнинг яқин истиқболдаги тараққиёти хусусида ўз тахминларини илгари сурдилар. Қуйида газетхонларимизни ана шу қизғин баҳс-мунозаралар асносида баралла янграган, кўпчилиكنинг эътиборини тортиб ўйлан-тириб қўйган башоратлар билан таништирамиз.

ОЙ СТАНЦИЯСИ

Кўпчилик экспертлар зилзила ва бўронлар Японияни маърифий йўналишдаги улуғвор лойиҳалардан қайтара олмаслигига ишонади. Бу мамлакат бир вақтлар Иккинчи жаҳон уруши залвори ва ядро бомбаларига дучор этилганлик оқибатларидан тезда ўзини ўнглаб олиб, сайёрамизда технологиялар бобида етакчи бўлиб олган эди. Жорий ўн йилликда ҳам шунга ўхшаш бўлади. Япония режалаштирган ой станцияси яқин йиллар ичида инсониятнинг энг йирик ютуғига айланади.

Япония Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ойни тадқиқ этиш бўйича илмий кенгаш томонидан ишлаб чиқилган ана шу бағоят қўламдор лойиҳа дастурлаштириб бўлинди. Келгусидаги ўзгаришларга ихтисослашган Калифорния истиқбол институти олимлари ишонч билан таъкидлаганидек, бу даражадаги мураккаб ишни жаҳонда бошқа ҳеч бир мамлакат охирига етказа олмасди. Станциянинг қурилиши режаси ва бюджети 2000 йилларнинг ўрталарида тасдиқланди.

Лойиҳага кўра 2020 йилга бориб Ойнинг жанубий қутбида автомат тарзда ишлайдиган, ичига жойлашган ускуналар ва ундаги роботлар томонидан йиғилган электр энергияси билан таъминладиган одамсиз станция қурилади. Станцияни... роботлар қуришади. 2015 йилда Ойга автомат тарзда ишлайди-

ган биринчи луноход жўнатилади. Ундаги сейсмограф аппаратлар Ер йўлдошининг муфассал харитасини тузишга ёрдам беради. Харита фойдали қазилмалар кавлаб олиш мумкин бўлган жойларни аниқлаш имконини беради.

Станция фойдали қазилмаларни кавлаб олувчи ва курраи заминимизга жўнатувчи роботлар учун база бўлиб қолади. Бу йўсинда маҳсулот етказиб бериш ер юзи иқтисодиётига жиддий таъсир этиши мумкин. Масалан, гелий-3 изотопини қазиб олиш ядро энергетикасидаги кучлар нисбатини ўзгартириб юбориши эҳтимоли бор.

Ойни ўзлаштириш дастурини амалга оширишнинг умумий сарф-харажатлари 2,2 млрд

АҚШ долларини ташкил этади. Аввалига Япония дастурни АҚШ билан биргаликда амалга ошириш ниятида эди. Бироқ Америка илм-фанининг эътибор маркази бирмунча ўзгарди. NASA эндиликда эътиборни кўпроқ Марсни тадқиқ этиш билан боғлиқ узоқ муддатли дастурларга қаратмоқда.

ЛОНДОН - ПЕКИН


Popular Science журнали экспертлари Лондон билан Пекинни боғлайдиган, 17 мамлакатни кесиб ўтадиган тезкор темирйўл қурилиши башариятнинг технология бобидаги энг зўр ютуқларидан бири бўлиб қолади деб тахмин қилмоқда. Мазкур темирйўл мўлжал бўйича 2020 йилга бориб тайёр бўлади. Тўғри, сиёсий ва иқтисодий



атай бошладилар. Бир пайтлар Париж билан Истамбул оралиғида қатнаган, роса шов-шувга сабаб бўлган Шарқий экспресс 1883 йили ишга туширилган бўлиб, Фарбий Европани Кичик Осиё билан бирлаштирган эди. Бу поезд Европанинг қоқ ўртасидан унинг чекка қисмига 67 соат ичида етиб бориш имконини беради.

«Лондон-Пекин» поезди, экспертларнинг таъкидлашича, XXI аср тамаддуни учун бағоят муҳимдир. Замонавий технологиялар, поездлар махсус қурилган йўлда соатига 400 км тезликда юриши мумкинлиги эътиборга олинса, Буюк Британия билан Хитой пойтахтлари ўртасидаги 8 100 км лик масофани

МУЪЖИЗА ДЕГАНЛАРИЧА БОР



муаммолар лойиҳани амалга оширишни бирмунча қийинлаштириши ҳам мумкин.

Лойиҳанинг ташаббусчиси Хитой ҳукуматидир. Қадимий Чин-Мочин маъмурлари Пекин билан Шанхай аста-секин жаҳоннинг иқтисодий марказига айланиб бормоқда, унга бошқа пойтахт шаҳарлар билан пухта ва ишончли транспорт алоқаси жуда-жуда зарур деб ҳисобламоқдалар.

Матбуотда бу лойиҳани дарҳол «янги Шарқий экспресс» деб

поезд 2 суткага қолмай босиб ўтади деб айтиш мумкин.

Хитой ҳукумати ҳузуридаги темирйўл лойиҳалари мутасаддиси Ван Меншунинг фикрича, мазкур темирйўл қурилиши 10 йилга боради. Лойиҳанинг тафсилотлари, хусусан XXI аср Шарқий экспрессининг аниқ маршрути ва қайси мамлакатлардан кесиб ўтиши ҳақида эса ҳозирча ҳеч нарсаси айтилмаяпти.

Хорижий матбуот материалларидан.

Иқтисодий-ҳуқуқий газета
НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ХУҚУҚ
СОЛИКЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

ТАЪСИСЧИ «Norma Hamkor» МЧЖ

Газета 2006 йил 26 декабрда
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлигида рўйхатга олинди.
Рўйхат рақами 0074.

БОШ МУҲАРРИР
ФАРҲОД ҚУРБОНБОВ
ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100105, Тошкент ш.,
Миробод тумани,
Таллимаржон кўч., 1/1,
тел. 283-44-57
E-mail: gazeta@norma.uz,
normapress@mail.ru
www.norma.uz
Нашр учун масъул:
Нодир Алимов

Муаллифлар фикри доим ҳам таҳририят нуқтаи назарига мос келавермайди.
Таҳририят муштарийлар билан ёзишиб туриш имкониятига эга эмас.
«Норма маслаҳатчи» да эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда кўпайтириш, тарқатишга фақат «Norma» МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.

Газета таҳририят томонидан тайёрланган диапозитивлар ёрдамида «TOPPRINT» МЧЖ босмаҳонасида босилди (Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1).
Индекс - 186 Буюртма 63 Адади 3 265. Баҳоси келишилган нархда
Газета 2012 йил 20 февралда соат 15.30 да топширилди.
ISSN 2010-5223